АЛ-МАЖМУЪ
АЛ-УСМОНИЙ

БУРҲОНУДДИН
АЛ-МАРҒИНОНИЙ
АЛ-МАЖМУЪ АЛ-УСМОНИЙ

БУРҲОНУДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ

АЛ-МАЖМУЪ
АЛ-УСМОНИЙ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон
Беруний номидаги Шарқшунослик институти

Бурҳонуддин ал-Марғиноний

АЛ-МАЖМУЪ АЛ-УСМОНИЙ

(Усмоний тўплам)

Тадқиқот, илмий танқидий матн ва таржима:

Одилжон Қориев ва Ҳамидуллоҳ Аминов

Тошкент 2014

УЎК: 297.1
КБК: 86.38
М26

Юртимиздан чиққан алломаларнинг Ислом илмлари ривожига қўшган ҳиссалари беқиёс эканини бутун дунё эътироф этади. Бундай забардаст уламолар қаторида Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг алоҳида ўрни бор. "Ал-Мажмуъ ал-Усмоний" номли асар мерос илми соҳасига бағишланган муҳим манбалардан биридир. Бу китоб мазкур асарнинг қадимий қўлёзма нусхалари асосида илк бор яратилган илмий танқидий матнини ўз ичига олган. Ундан матншунослик, шарқшунослик, ҳуқуқшунослик ва фан тарихи соҳаси мутахассислари фойдаланиши мумкин.

Ушбу китоб аждодларимиздан қолган илмий меросга бефарқ бўлмаган ҳар бир китобхонга қизиқарли ва фойдали бўлишига умид қиламиз.

Марғиноний, Бурҳонуддин
Ал-Мажмуъ ал-Усмоний (Усмоний тўплам); тадқиқот, илмий танқидий матн ва таржима: О.Қориев, Ҳ. Аминов. Масъул муҳаррир Зоҳидулла Мунавваров. – Тошкент: "Мовароуннаҳр", 2014. – 160 бет.

Масъул муҳаррир:
Сиёсат фанлари доктори, профессор
Зоҳидулла МУНАВВАРОВ

Тақризчилар:
Т.ф.д. Маҳмуджон ҲАСАНОВ
Т.ф.д. Бахтиёр БОБОЖОНОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 128-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий кенгашининг 2012 йил 30 ноябрдаги мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилган. (8-сонли мажлис баённомаси.)

ISBN 978-9943-12-273-4
© О. ҚОРИЕВ, Ҳ. АМИНОВ
© «Movarounnahr», 2014

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Инсонни эркин қилиб яратган, унга илму маърифат берган, ақлу идрок ато этган Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин!

Мусулмонлар ва бутун инсониятни эзгуликка чорлаган, илм олишга, маърифат тарқатишга тарғиб қилган Муҳаммад Мустафога салавоту саломлар бўлсин!

Фиқҳ илмига асос солган, уни ривожлантирган ва бошқа исломий илмларнинг бизгача етишига ҳисса қўшган бобокалонларимизга Яратганнинг раҳматлари ёғилиб турсин!

Маълумки, тафсир, ҳадис, калом каби исломий илмлар қаторида фиқҳ илми ҳам мустақил тармоқ сифатида асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб борган. Унинг пайдо бўлиши ва тараққий этишида юртимиздан чиққан фақиҳларнинг хизматлари беқиёсдир. Абу Зайд ад-Дабусий ал-Бухорий (978-1039), Фахр ал-ислом ал-Баздавий (1009-1089), Абу Ҳафс ан-Насафий (1068-1142), Абу-л-Баракот ан-Насафий (1232-1310), Убайдуллоҳ ибн Тож аш-шариъа ал-Бухорий (ваф. 1346) сингари олимлар сирасида Бурҳонуддин ал-Марғиноний (1118-1197) ҳам исломий билимларнинг ушбу ҳаётий соҳасини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшганлар.

Таъкидлаш керак, юртимиздан чиққан алломаларнинг фиқҳни ривожлантиришга қўшган ҳиссалари дунё бўйлаб юксак эътироф қилиниб, қадрланади. 2000 йили Ўзбекистонда буюк ҳанафий фақиҳ, ўлмас мерос "ал-Ҳидоя" китоби соҳиби Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг 910 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан аллома ижодий

фаолиятини ўрганишга бағишланган илмий анжуман ва тадбирлар уюштирилди, рисола ва мақолалар чоп қилинди. Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институти жамоаси эса "ал-Ҳидоя"нинг биринчи жилдини ўзбек тилига таржима қилиб, китобхонларга тақдим этди.

Бизга Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг фақиҳ сифатидаги фаолияти ва ўнга яқин асарлари борлиги ҳақида маълумотлар етиб келган. Ул зоти бобаракот битикларининг номларидан бу китоблар Ислом фиқҳининг турли йўналишларига тааллуқли экани маълум. Алломанинг "ал-Ҳидоя" китоби асрлар давомида кенг миқёсда тадқиқ қилиниб келинаётган бўлса-да, бугунга қадар унинг қаламига мансуб асарларнинг ақалли ярми ҳам топилмаган. Бундай ҳолат Ислом фиқҳи тадқиқотчилари, жумладан, тарихчи ва шарқшуносларни бу йўналишдаги изланишларни янада фаоллаштиришга ундаётгани табиий. Ҳар қандай изланиш эса, эртами-кечми, албатта ўз самарасини беради. Бунга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходимлари, тарих фанлари номзодлари О.Қориев ва Ҳ.Аминовлар томонидан Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг шу пайтгача маълум бўлмаган фароизга оид асарининг топилганини кўрсатиш мумкин.

Фароиз фиқҳнинг мерос ҳуқуқи соҳаси бўлиб, у асрлар давомида ҳанафий олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Ушбу маънода Бурҳонуддин ал-Марғиноний ҳам мазкур йўналишда қалам тебратганини табиий ҳол сифатида қабул қилиш мантиқий. Бироқ бизнинг замонимизгача олимнинг ушбу соҳага бағишланган асарларининг қўлёзма нусхалари топилмагани ва тадқиқ қилинмагани кўнглимизни хижил қилиб турар эди. Яратганга шукроналар бўлсинким, алломанинг мерос ҳуқуқига бағишланган асари топилиб, унинг арабий матни таржима-

си билан эълон қилинмоқда. "Ал-Мажмуъ ал-Усмоний" ("Усмоний тўплам") номи остида нашр этилаётган ушбу китоб ота-боболаримиздан қолган илмий меросга бефарқ бўлмаган ҳар бир ватандошимизни қувонтириши шубҳасиз, албатта.

Ҳаётий тажриба кўрсатганидек, мерос масаласи ҳамиша ҳассос соҳа бўлиб келган. Шунинг учун бўлса керак, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом мерос илми аҳамиятига алоҳида урғу бериб: "Фароиз илмини ўрганинглар...", деб васият қилганлар. Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбеклар ҳам асрлар оша мерос тақсимотига оид ҳуқуқий мезонларни Бурҳонуддин ал-Марғиноний ва ул зоти шарифга ўхшаган фақиҳлар асарларидан фойдаланган ҳолда белгилаб келганлар. Жумладан, улар асосида Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий тарихини тўлдириш, халқимизнинг маънавий ҳаётини батафсил ёритиш имкони юзага келади.

Яна айтиш лозим, ота-боболаримизнинг фароиз билан боғлиқ миллий-диний мазмундаги анъаналари бугунги кунда ҳам ўзининг ҳаётий кучини сақлаб қолган. Улар ҳаётимизда юзага чиқаётган айрим муаммоларни адолатли ҳал этишга ёрдам беришга қодир. Зеро, қариндошлар орасида мулк ва мерос талашиш каби Исломга зид хунук воқеалар, онда-сонда бўлса ҳам, учраб туриши барчага маълум. Албатта, бугун, ҳаётнинг барча соҳаларида бўлаётгани каби, мерос тақсимоти ҳам дунёвий-ҳуқуқий мезонларга таянган давлат қонунлари асосида амалга оширилади. Аммо чуқур ҳаётий ҳикмат ва соф инсоний адлу инсоф билан озиқланган диний қадриятлар ҳам мазкур соҳада кечаётган жараёнларга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши мумкинлиги, ҳатто зарурлигига шубҳа йўқ. Ушбу маънода, тақдим этилаётган китоб ижтимоий ҳаётда сезиларли мавқега эга бўлган имом-хатибларга ҳам ёрдамчи бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз.

Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг фароиз, яъни мерос ҳуқуқига бағишланган қўлингиздаги асари нашри тадқиқот, асл матн ва таржима бўлимларидан иборат. Уни ўқишга киришар экансиз, фароиз илми тарихи, унинг ривожланиши, мазкур соҳада қалам тебратган олимлар ва уларнинг асарларига бағишланган тадқиқот қисмига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Зеро, ушбу қисм Бурҳонуддин ал-Марғиноний рисоласининг таржимаси, саҳифалар остидаги шарҳларни тўғри тушунишга ёрдам беради. Китобда ал-Марғиноний асари асл матнининг келтирилиши эса, араб тилидан хабардор китобхонлар ва талабаларга уни таржима билан солиштириш имконини беради. Ушбу нашр таркибида ҳавола этилаётган илмий-танқидий матннинг бир эмас, балки бир неча қўлёзма нусхаларга таянган ҳолда тайёрлангани унга бўлган ишончни кучайтиради.

Буюк фақиҳ бобокалонимиз Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг фароиз илмига бағишланган асарининг илк нашрини барчамизга манфаатли қилишини Қодир Эгамдан сўраб қоламиз!

Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий

“АЛ-МАЖМУЪ АЛ-УСМОНИЙ”[1] АСАРИНИНГ ИЛМИЙ–ТАНҚИДИЙ МАТНИ ҲАҚИДА

Мамлакатимизда матншунослик соҳасида Ислом илмларининг турли йўналишларига оид асарларнинг танқидий матнини тузиш борасида етарли тажриба тўпланган эмас. Бу нарса аввало Ислом илмларига оид манбаларни тадқиқ этиш ва уларни нашрга тайёрлаш амалиёти фақатгина кейинги ўн йилликда бошланганини билан боғлиқ. Бу хилдаги ишларни амалга ошириш учун аввало, муайян малака ва махсус тайёргарлик талаб қилинади. Чунки Ислом илмларига оид манбаларнинг танқидий матнини тузиш учун, бир томондан, Ислом илмларидан яхши хабардор бўлиш лозим бўлса, иккинчи томондан, манбашунослик ва матншуносликнинг ўзига хос талаб ва хусусиятлари ўзлаштирилган бўлиши керак.

Қўлингиздаги китоб Ислом илмларининг энг мураккаб соҳаларидан бири бўлмиш мерос илмига бағишланган. Бу мўъжаз манбанинг танқидий матнини ту-

[1] Бу асарни Ҳожи Халифа “Кашф аз-зунун” китобида “ал-Фароиз ал-Усмонийя” номи билан келтирган ва у Бурҳониддин ал-Марғиноний қаламига мансуб асар эканини айтган. Асарнинг асл матни Шайх ал-Усмонийга тегишли экани, муаллиф мерос илмига оид рад, завиларҳом ва бошқа айрим ҳукмларга тегишли масалаларни зикр қилмагани боис, ал-Марғиноний уни ислоҳ қилиб, қайта ишлаганини қайд қилган. Ҳожи Халифанинг маълумот беришича, ушбу асарга Минҳожиддин Иброҳим ибн Сулаймон ас-Сароий (ваф. 1400) “Мафотиҳ ал-ақфол” (“Қулфларнинг калитлари”) номли шарҳ ёзган. Шарҳ 1370 йилда Хоразмда битилган. Қаранг: Ҳожи Халифа. “Кашф аз-зунун”. II-жуз. – Истанбул: Маориф матбааси, 1941. – Б. 1250-1251. Абдулҳай ал-Лакнавий (1847-1886) “ал-Фавоид ал-баҳийя” (“Қимматбаҳо фойдалар”) асарида Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг фароиз илмига оид бир асари борлигини қайд қилган бўлса, Исмоил Пошшо ал-Бағдодий (ваф. 1920) ўзининг “Ҳадийят ал-орифин” (“Танувчилар совғаси”) асарида ҳам унинг номини “ал-Фароиз ал-Усмонийя” шаклида келтирган. Қаранг: Абдулҳай ал-Лакнавий. “Ал-Фавоид ал-баҳийя”. – Қозон. 1902. – Б. 172; Исмоил Пошшо ал-Бағдодий. “Ҳадийят ал-орифин”. Истанбул: Миллий матбаа. 1951. – Б. 702.

зиш жараёнида адабий-тарихий манбалар устида олиб борилган ва тажрибадан ўтган ишлар услубидан фойдаландик. Бу ишимиз Ислом илмларига оид манбалар матни танқидига оид дастлабки тажрибамиз бўлгани боис муайян камчиликлардан холи эмас, албатта. Бироқ буюк аждодларимиздан бири аллома Бурҳонуддин ал-Марғиноний қаламига мансуб бу асарни имкон даражасида мутахассислар фойдалана оладиган шаклга келтиришга ҳаракат қилдик. Мамлакатимиз қўлёзма хазиналарида аждодларимиздан бизгача етиб келган минглаб жилдлик илмий мерос сирасида Ислом илмларига оидлари салмоқли қисмни ташкил этади. Ана шу бой илмий меросни халқимизга етказиш борасида олиб борилаётган самарали ишлар қаторида Фарғона фиқҳ мактабининг йирик вакили Бурҳонуддин Али ибн Аби Бакр ибн Абдулжалил ар-Рищдоний ал-Марғинонийнинг (1118-1197) мерос илмига бағишланган "ал-Мажмуъ ал-Усмоний" асарининг илмий танқидий матни амалга оширилди.

Фиқҳ илмининг йирик намояндаси Бурҳонуддин ал-Марғиноний илмий фаолияти ва меросини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар натижалари мақола, рисола, монографияларда эълон қилинган[2]. Олим илмий меросига эътибор унинг соҳа ривожида тутган юксак мақомининг натижасидир. Аксарият фиқҳга оид асарлар муаллифлари Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг

---

[2] Қориев О.А. "Бурҳонуддин ал-Марғиноний – ҳуқуқшунос". "Шарқшунослик" тўплами. Т., 1993й. №4. – Б.7175; Абдуллаев И. "Бурҳонуддин Марғиноний" // Наманган ҳақиқати.-2000. 3-май.; Саидов А.Х., "Бурҳонуддин ал-Марғиноний. "Ҳидоя" – муҳим ҳуқуқий ёдгорлик" // Ўзбекистон овози. 1994. 3-май.; Саидов А.Х., Нуритдинов М. "Фиқҳ илмининг сардори" // Ишонч. 2000. 9-сентабр.; Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. "Марғиноний ва унинг издошлари". Т., 2000. 54-б.; Исҳоқов С. "Бурҳониддин Марғиноний ва фиқҳ илми". – Т.: Адолат. 2000.136-б.; Маҳмуд Ҳасаний. "Ал-Марғинонийнинг "Ҳидоя" асари ва унга ёзилган шарҳлар". Т.: Мерос. 2000. 45-б.; Бурҳониддин ал-Марғиноний. "Ҳидоя". Биринчи жилд / Масъул муҳаррирлар А.Х. Саидов, М. Нуриддинов. Т.: Адолат. 2000. 848-б.ва бошқалар.

илмий меросига муттасил тарзда мурожаат этиб келгани бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг турли манбаларда зикр этилган ўнга яқин асарлари[3] қаторида олимнинг "ал-Мажмуъ ал-Усмоний" (Усмоний тўплам) номли асари ҳақида маълумот бўлиб,[4] бу асарнинг нусхаси фақатгина Ирландияда Честербити кутубхонасида сақланиши ҳақида маълумотга эга эдик. Мазкур асар фиқҳ илмининг муҳим соҳаларидан бири мерос илмига бағишланган.

Мутахассисларнинг эътироф этишларича мерос илми, Ислом илмлари ичида бевосита Қуръони каримда илм сифатида зикр қилинган ягона соҳадир. Шу боисдан мерос илми мавзуси ғарб олимлари эътиборидан ҳам четда қолган эмас.[5]

Манбаларда Исломдан олдинги даврда мерос ва уни тақсимлаш тизимида тенгсизлик ва адолатсизлик мав-

---

[3] Қориев О.А. "Ислом ҳуқуқшунослиги ва Бурҳонуддин ал-Марғиноний". "Ҳаёт ва қонун" журнали. 1994. №3. – Б. 54; Одил Қориев. "Ал-Марғиноний машҳур фиқҳшунос". Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2000. – Б.25

[4] Қаранг: Қориев О.А. "Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳонуддин ал-Марғиноний". Тошкент. "Фан", 2009. – Б.203209.

[5] Қаранг: Carranza Eliana. "Islamic Inheritance Law". Washington, The World Bank USA, 2012. 212 pp., Lucy Carroll. "The hanafi Law of Intestate Succession: A Simplified Approach". Modern Asian Studies, Vol. 17, #4. (1983), pp. 629-670., Mohammad Fadel. "Two Women, One Man: Knowledge, Power, Inheritance, Gender in Medieval Sunni Legal Thought". International Journal of Middle East Studies, Vol. 29, #2. (May, 1997), pp. 185-204., Brinkley Messick. "Textual Properties and Inheritance: Writing and Wealth in Shari'a Case". Anthropological Quarterly, Vol. 68, # 3, (Jul., 1995), pp.157-170.; O'Connor, John J.; Robertson, Edmund F., "Abu'l Hasan ibn Ali al Qalasadi", *Mac Tutor History of Mathematics archive*, University of St Andrews, http://www-history.mcs.st-andrews.ac.uk/Biographies/Al-Qalasadi.html. ; Livio, Mario (2003). "*The Golden Ratio*". New York: Broadway. p. 96. ISBN 0-7679-0816-3.; Fibonacci, Leonardo; Barnabas Hughes (2008). "*Fibonacci's De practica geometrie*". Springer. p. 12. ISBN 978-0-387-72930-5. ; Schacht, Joseph (1991). "Mīrāth". *Encyclopaedia of Islam* 7 (2nd ed.). Brill Academic Publishers. pp. 106 – 113. ISBN 90-04-09419-9.; Gandz, Solomon (1938). "The Algebra of Inheritance: A Rehabilitation of Al-Khuwarizmi". *Osiris* (University of Chicago Press) 5: 319 – 91. doi:10.1086/368492. ва бошқалар.

жуд бўлгани зикр қилинади. Жумладан, марҳумнинг меросига фақатгина эркак томони вакиллари ҳақли ҳисобланиб, мерос мулкидан унинг бева қолган хотинига ҳеч нарса тегмас эди.[6] Ислом дини тарқалиши жараёнида мерос тақсимоти борасидаги дастлабки муаммолар Бадр жангидан[7] кейин юзага чиқа бошлаган бўлса-да, бу масала, айниқса, Уҳуд жангидан кейин кескин тарзда кўндаланг турди. Айнан Уҳуд жангидан[8] кейин бева қолган мусулмон аёлларнинг сони кўпайиб кетди. Мерос тақсимотига оид оят ҳам шу пайтда нозил бўлди. Бу Қуръондаги алоҳида ҳуқуқий мавзуга бағишланган ягона муфассал ҳукмдир.[9] Ислом тарихи билан шуғулланувчи олимлар бу ҳукмни Саъд ибн Абу Рабиъанинг бева қолган хотини эрининг вафотидан кейин унинг бор мол-мулкини эрининг уруғи олиб қўйгани хусусида Пайғамбар алайҳиссаломга қилган шикояти билан боғлашади.[10] Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: "Саъд ибн Рабиънинг (розияллоҳу анҳу) хотини Саъддан бўлган икки қизини Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига олиб келиб: "Эй Аллоҳнинг расули, манави иккови Саъд ибн Рабиънинг қизлари. Оталари сиз билан Уҳуд жангида қатнашиб, шаҳид бўлди. Амакилари эримдан қолган молларни олиб, қизларимга ҳеч нарса қолдирмади. Бу иккисини моли бўлмаса, биров уларга уйланмайди", деди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Бу ҳақида Аллоҳ ўзи ҳукм чиқаради", дедилар. Бир оздан сўнг **"Аллоҳ сизларга фарзандларингиз ҳақида васият этиб..."**, мерос ояти нозил бўлди. Расулуллоҳ (сол-

---

[6] Большаков О.Г. "История халифата". Том. I. М. 2002. – С.122.
[7] 15 ёки 17 март 624 йили содир бўлган.
[8] 25 март 625 йили содир бўлган.
[9] Большаков О.Г. "История халифата", – С.123; Бу ҳукм "Нисо" сурасининг қатор оятларида баён қилинган.
[10] Ўша асар. – С. 123.

лаллоҳу алайҳи ва саллам) у қизларнинг амакиларига одам юбориб: "Саъднинг икки қизига учдан иккисини бер, оналарига саккиздан бирини бер, қолгани эса, сенга бўлади", дедилар.[11]

Мерос мезонлари ҳам асосан Қуръони каримда баён қилинган бўлиб, Нисо сурасининг 7, 8, 11, 12, 176 – оятлари, Анфол сурасининг 75-ояти ва Аҳзоб сурасининг 6-оятида зикр қилинган.

Қуръони каримда мероснинг ҳукмлари баён қилинган ўринда **"...Аллоҳ таолодан фарз қилингандир"**, дейилади[12]. Шу оятнинг мазмунидан келиб чиқиб мерос илми "Фароиз илми" деб ҳам аталади[13]. Бундан ташқари, Пайғамбар алайҳиссалом ҳам мерос илмини ўрганишга чақирган ҳадисларида "Фароиз илмини ўрганинглар" деб таълим берганлар.[14] Мазкур илм Исломнинг илк даврида ҳам, ўрта асрларда ҳам ниҳоятда катта аҳамият касб этгани боис, Муҳаммад алайҳиссаломнинг бу илмни ўрганиш ва ўргатиш зарурлиги, акс ҳолда бир замон келиб мусулмонлар ўртасида мерос хусусида низо чиқса, уни ҳал қилиб берадиган одам топилмай қолиши мумкинлиги хусусида алоҳида кўрсатмалари манбаларда зикр қилинади.[15] Бу илмнинг "фароиз илми" деб аталишига мутахассислар турлича изоҳ берганлар.[16]

Бу соҳанинг шаклланиши Исломнинг илк давридан бошланган. Манбаларда саҳобалардан Абу Хорижа Зайд

[11] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. "Ҳадис ва ҳаёт". "Фароиз ва васиятлар". 12-жуз. Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2008. – Б. 3536.

[12] Нисо сураси, 11-оят.

[13] Муҳаммад Анвар ал-Бадахшоний. "Тавзиҳ ал-Фароиз ас-Сирожийя". Карачи. 1993. – Б.9.

[14] Ўша асар. – Б.9.

[15] Валиюддин Муҳаммад ат-Табризий. "Мишкот ал-масобиҳ". 1-жилд. – Қозон, 1898. – Б. 55-56.

[16] Жумладан, қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. "Ҳадис ва ҳаёт". "Фароиз ва васиятлар". 12-жуз. Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2008. – Б.6.

ибн Собит ибн аз-Заҳҳок ал-Ансорий ал-Хазражий (тахминан 615–665) фароиз илмининг энг катта билимдони сифатида зикр қилинади. Бироқ бу пайтда Ислом илмлари соҳасида махсус асарлар битиш анъанаси бўлмагани сабабли, у зотнинг мавзуга оид бирон бир асар таълиф этгани ҳақида маълумотлар йўқ.

Мазкур соҳадаги дастлабки мустақил асарлар тобеъинлар давридагина ёзила бошланди. Мутахассислар Абу Бакр Айюб ибн Абу Тамима ас-Сижистоний (ваф.749) қаламига мансуб "Фароиз Айюб ал-Басрий" асарини бу мавзуда битилган дастлабки асар деб ҳисоблайдилар.

Шофиъий мазҳабида машҳур муҳаддис олим Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазийнинг (817-906) "Китоб фи ал-Фароиз" номли асари бўлиб, муаллифнинг ўзи эътироф этишича, у минг варақдан кўп ҳажмда бўлган[17]. Яна шу мазҳаб вакилларидан Мубашшир ибн Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад ар-Розий (ваф.1193) "Фароиз Аби ар-Рашид" номли, Абу-л-Фадл Абдулазиз Али ал-Ашнаҳий (ваф. 1155) "Ал-Фароиз ал-Ашнаҳийя" номли асарлар битган.

Юсуф ибн Абдуллоҳ ал-Қуртубий ал-Моликий (ваф.1071) моликий мазҳабида меросга оид "Фароиз Ибн Абд ал-Барр" номли асарининг муаллифи ҳисобланади. Шайх Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Али ибн ал-Ажъад ас-Сақалийнинг "ал-Фароиз ал-Жаъдийя" номли асари ҳам моликий мазҳаби доирасида битилган.

Абу Ҳанифага замондош бўлган ва ундан кейинги даврнинг қатор алломалари, жумладан, Абдурраҳмон ибн Абу Лайло, Ибн Шубрума, Абу Савр (ваф. 854), ал-Каробисий (ваф. 862), ар-Рабиъ (797-869), Абу-л-Аббос ибн Сурайж (863-918) каби олимлар ҳам фароиз

[17] Ҳожи Халифа. "Кашф аз-зунун". II-жуз. – Истанбул: Маориф матбааси, 1941. – Б. 1245.

илми бўйича асарлар битганлар. Турли мазҳаб вакиллари томонидан фароиз илмига бағишланган илк асарлардан айримлари ана шулар.

Ҳанафийликда мазкур мавзуда илк асарни қози Абу Хозим куняси билан танилган Абдулҳамид ибн Абдулазиз (ваф. 905) ёзган ҳисобланади. Бу асарнинг номи "ал-Фароиз" ("Мерос тақсимоти") бўлган.[18] Бу зот Шом, Куфа ва Кархда қозилик лавозимида фаолият кўрсатган. Олим мерос тақсимоти, ҳужжат ва шартномаларни тузиш бўйича етук мутахассис бўлгани боис Абу Жаъфар ат-Таҳовий (853-933), Абу Тоҳир ад-Даббос (X аср), Абу-л-Ҳасан ал-Кархий (873-952) каби таниқли ҳанафий олимлар ундан таълим олганлар. Ҳанафий мазҳаби олимларидан Зайниддин Абдулжаббор ибн Аҳмад ал-Мозандаронийнинг (1106-1107) "ал-Хулоса фи ал-Фароиз" ("Мерос тақсимоти ҳақидаги хулоса") номли асари бор[19].

Абу Тоҳир Сирожиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуррашид ас-Сижовандий яна бир таниқли ҳанафий олимидир. Унинг 1200 йилларда ҳаёт бўлгани маълум. Олимнинг "ал-Фароиз ас-Сирожийя" номли асари шуҳрат қозонган. Асарнинг илк нашри инглизча таржимаси билан 1792 йилда Калькуттада амалга оширилган бўлса, 1799 йилда қайта нашр қилинган. Мазкур китобнинг матни Мисрда Булоқ нашриётида 1844-1911 йиллар оралиғида қайта-қайта чоп этилган.

Олимнинг "ат-Тажнис фил ҳисоб" номли асари ҳам бўлгани қайд қилинган. Мерос тақсимотига оид "ал-Фароиз ас-Сирожийя" асарига ҳанафий олимлари йигирмадан ортиқ шарҳлар ёзишган. Акмалуддин Муҳаммад ал-Бобуртий ал-Ҳанафий (1314-1384), Саъ-

[18] Абдулҳай ал-Лакнавий. "Ал-Фавоид ал-баҳийя фи тарожим ал-ҳанафийя". – Қозон, 1902. – Б. 103.

[19] Абдулқодир ибн Абу-л-Вафо. "Жавоҳир ал-музиа фи табақот ал-ҳанафийя". – Байрут: Дорул кутубил илмийя, 2005. – Б. 192.

дуддин ат-Тафтазоний (1322-1392) каби таниқли ҳанафий олимлари шарҳлари шулар жумласидандир. Ибн ар-Рабва кунияси билан танилган Носируддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ал-Қўнавий ад-Димашқий (ваф. 1362) қаламига мансуб "ал-Мавоҳиб ал-Маккийя", Юнус ар-Рашидийнинг (ваф. 1602) "ал-Мақосид ас-Санийя", Хизр ибн Муҳаммад ал-Амосийнинг (ваф. 1653) "Иршод ар-Рожий" каби шарҳларини ҳам зикр қилиш мумкин. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар жамғармасида Саъдуддин ат-Тафтазонийнинг чевараси Аҳмад ибн Яҳё ибн Муҳаммад ибн Саъдуддин ат-Тафтазоний (ваф. 1510) қаламига мансуб "Шарҳ ал-Фароиз ас-Сирожийя"нинг 2 та, "Фахри Хуросон" лақаби билан танилган Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беҳиштий ал-Исфароинийнинг (ваф. 1348) "Шарҳ ал-Фароиз ас-Сирожийя"сининг 6 та қўлёзма нусхалари сақланади.

Асарнинг Саййид Шариф Журжоний қаламига мансуб "Шарифийя" номли машҳур шарҳи 1889 ва 1902 йилларда Қозонда, 1893 йили Истанбулда нашр этилган ва унга ўндан ортиқ ҳошиялар битилган. Масалан, "Зиё ас-Сирож" номли ҳошия Калкуттада 1868, Канипурда 1893 йилларда ҳам нашр қилинган. Абдулмалик ибн Абдулваҳҳоб ал-Маккий (1839-1909) "ал-Фароиз ас-Сирожийя"нинг манзумасини ёзган. Мазкур манзума ҳам Булоқда 1904 йили нашр қилинган.

Мосул шаҳрида фиқҳдан дарс берган ҳанафий олими Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Иброҳим ар-Розийнинг (ваф. 1219) ҳам "Китоб фи ал-Фароиз" ("Мерос тақсимоти ҳақида китоб") номли асари бўлган[20]. У, шунингдек, "Китоб ан-нурий фи мухтасар ал-Қудурий" ("Қудурийнинг Мухтасари ҳақида нурли китоб") номли асар муаллифидир.

[20] Абдулқодир ибн Абу-л-Вафо. "Жавоҳир ал-музиа фи табақот ал-ҳанафийя". – Байрут: Дорул кутубил илмийя, 2005. – Б. 301.

Шамсиддин Маҳмуд ибн Абу Бакр ал-Каллобозий ал-Бухорий (1251-1300) эса фароиз соҳасида етук олим бўлгани боис "ал-Фарзий" нисбаси билан ҳам танилган[21]. Аз-Заҳабий уни фароиз илмида бош, ҳадисда билимдон, фазилатлар соҳиби, гўзал ҳуснихат эгаси деб зикр қилган.

Абу Ёқуб Юсуф ибн Ҳайдар ал-Фароизий самарқандлик фароиз олими бўлиб, "Китоб ал-Ансоб" муаллифи ас-Самъоний (1113-1167) уни фароиз илмида таниқли имом эканини зикр қилган[22].

Заҳириддин Аҳмад ибн Исмоил ат-Темуртоший (ваф. 1214) Хоразмда муфтий бўлган ҳанафий олим. Хоразмнинг Темуртош қишлоғида туғилган. Олимнинг "Шарҳ ал-Жомеъ ас-Сағир", "Китоб ат-Таровеҳ", "ал-Фатово" номли асарлари билан бир қаторда фароиз илмига бағишланган "ал-Фароиз ат-Темуртошийя" номли асари бўлган. Унинг бир қўлёзма нусхаси ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 3275/I тартиб рақами билан сақланади.

Ҳасан ибн Муҳаммад ас-Сағонийнинг (1181-1252) аждодлари Чағониёндан бўлган, ўзи Ҳиндистонда туғилиб ўсган ҳанафий олими. У араб тили грамматикаси, луғатшунослиги бўйича муҳим асарлар муаллифи. "ас-Саҳиҳ ал-Бухорий"га шарҳ ёзган. Шунингдек, "Китоб ал-Фароиз" номли асар ҳам ёзган[23].

Абурражо Мухтор ибн Маҳмуд ал-Хоразмий ал-Ғазминий аз-Зоҳидий (ваф. 1260) Хоразмнинг Ғазмин қишлоғида туғилган. "Ал-Мужтабо", "Қунят ал-муня", "ал-Ҳовий" номли фиқҳий асарлари билан бир қаторда фароиз илмига бағишланган асари ҳам бор[24].

---

[21] Абдулқодир ибн Абу-л-Вафо. "Жавоҳир ал-музиа фи табақот ал-ҳанафийя". – Байрут: Дорул кутубил илмийя, 2005. – Б. 395.
[22] Абдулқодир ибн Абу-л-Вафо. "Жавоҳир ал-музиа фи табақот ал-ҳанафийя". – Байрут: Дорул кутубил илмийя, 2005. – Б. 435.
[23] Абдулқодир ибн Абу-л-Вафо. "Жавоҳир ал-музиа фи табақот ал-ҳанафийя". – Байрут: Дорул кутубил илмийя. 2005. – Б. 133.
[24] Абдулҳай ал-Лакнавий. "Ат-Таълиқот ас-сания". – Қозон. 1902. – Б. 262-.

Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Лорандий (ваф. 1320) ҳам фароиз илмининг таниқли олимларидан. Бу соҳада "Иршод" ("Йўлланма") деб номланган рисола ёзган. Кейинчалик "ал-Фароиз ас-Сирожийя"ни қайта ишлаб тўлдирган ва йирик ҳажмдаги "Иршод ар-рожий ли-маърифат ал-Фароиз ас-Сирожийя" ("ал-Фароиз ас-Сирожийяни танишни умид қилганга йўлланма") деб аталган асар ҳам битган[25].

Исмоил ибн Халил ал-Ҳанафий (ваф. 1338) туш таъбирига моҳир олим сифатида танилган. Унинг усул ал-фиқҳ ва фароизга бағишланган асарлари бўлган[26].

Ибн ат-Туркмоний номи билан танилган ҳанафий олими Аҳмад ибн Усмон ибн Иброҳим ибн Мустафо ал-Мординий (1282-1344) таниқли фақиҳ бўлиб, фиқҳни отаси ва акасидан ўрганган. У "ал-Жомеъ ас-Сағир" ва "ал-Ҳидоя" каби китобларга шарҳ битган. Фароиз соҳасига оид асари "Фароиз Ибн ат-Туркмоний" деб номланган[27].

Ибн ал-Фасиҳ куняси билан танилган Фахруддин Абу Толиб Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад ал-Ҳамадоний (1281-1354) ақлий ва нақлий илмларда моҳир, Абу Ҳанифа хонақоҳида мударрис бўлган. "Ан-Ниҳоя" соҳиби Ҳисомуддин Ҳусайн ибн Али ас-Сиғноқийнинг (ваф. 1311) шогирди. У моҳир шоир ҳам бўлиб, фиқҳга оид "Канз ад-дақоиқ" ва "ан-Нофиъ", мерос тақсимоти илмига оид "ас-Сирожийя", усул ал-фиқҳга доир "ал-Манор" каби асарларни назмда қайта ишлаган. Олим фароизга оид мустақил асар ҳам битган[28].

Абдулмуҳсин ибн Муҳаммад ал-Қайсарий (ваф. 1354) Румлик ҳанафий олим, Сурияда илмий фаолият олиб

---

25 Абдулқодир ибн Абу-л-Вафо. "Жавоҳир ал-музиа фи тaбақот ал-ҳанафийя". – Байрут: Дорул кутубил илмийя. 2005. – Б. 390.

26 Ибн Ҳажар Асқалоний. "Ад-Дурар ал-комина". I-жилд. – Байрут: Дор ал-жийл. 1993. – Б. 366.

27 Абдулҳай ал-Лакнавий. "Ал-Фавоид ал-баҳийя". – Қозон. 1902. – Б. 30-31.

28 Ибн Ҳажар Асқалоний. "Ад-Дурар ал-комина". I-жилд. – Байрут: Дор ал-жийл. 1993. – Б. 204-205.

борган. Унинг мерос тақсимотига оид манзумаси бўлган, ўзи уни шарҳлаган. Ушбу манзумага яна бир неча олимлар шарҳлар битишган.

Ибн ал-Мординий куняси билан танилган Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абу-л-Изз ал-Мординий (1303-1378) ҳам фароиз илмига бағишланган манзума битгани маълум[29].

Аҳмад ибн Мустафо Тошкўпризода (1495-1560) Усмонийлар салтанати олимларининг таржимаи ҳолига бағишланган "аш-Шақоиқ ан-Нуъмонийя фи уламои ад-давлат ал-усмонийя" ("Усмонийлар дафлатидаги олимлар ҳақида атиргуллар") номли асар битган. Унинг ўттизга яқин рисолалари қаторида фароизга бағишланган асари ҳам бўлган[30].

Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али ал-Бағдодий ал-Ҳанафий "Фароиз Аби Наср" асари муаллифи. "Кашф аз-зунун"да мазкур асар фароиз илмининг асосларини баён қилган, ҳажми катта китоб экани қайд қилинган[31].

Муҳиддин Муҳаммад ибн Пир Али ал-Биргивий (ал-Биргили) ал-Болиқасрий (1523-1573) Истанбул, Адирнада қозилик ва мударрислик қилган. Узоқ йиллар Бирги шаҳрининг бош мадрасасида мударрис бўлгани учун Биргили ёки Биргивий нисбасини олган. Тасаввуфга берилиб, Байрамийя тариқатига кирган. Уни "ат-Тариқат ал-Муҳаммадийя фи баёни сийрат ан-набавия" асари машҳур қилган. Унинг фароизга оид асари ҳам бор.

Ғирсуддин Ибн ан-Нақиб номи билан танилган фароиз олими, Халил ибн Аҳмад ибн ал-Ҳалабий (1494-1563) Қоҳирада мударрислик қилган. Умрининг охирини Истанбулда ўтказган. У нужум, фалакиёт, мусиқа,

[29] Ибн Ҳажар Асқалоний. "Ад-Дурар ал-комина". IV-жилд. – Байрут: Дор ал-жийл. 1993. – Б. 246.

[30] Абдулҳай ал-Лакнавий. "Ат-Таълиқот ас-сания". – Қозон. 1902. – Б. 86-87.

[31] Ҳожи Халифа. "Кашф аз-зунун". – Истанбул. 1941. – Б. 1245.

ҳандаса фанларида ҳам моҳир бўлган. Унинг "Китоб ал-Фароиз" номли асари бўлган.

Кейинги даврларда ҳам бу мавзуда асарлар битиш кенг тус олган. Бугунги кунда мерос илмига оид ёзилган асарлар, уларга битилган шарҳлар ва изоҳлар жуда кўп сонни ташкил қилади.

Мамлакатимиз ҳудудида мустақилликдан олдин мерос илми соҳасида бирон бир тадқиқот олиб борилгани ҳақида маълумотларга эга эмасмиз. Аслида, бу табиий ҳол. Чунки миллий ва диний қадриятларимиз сарчашмаси бўлмиш Ислом дини ва бу динни тадқиқ этувчи Ислом илмлари соҳасида илмий изланишлар олиб бориш имкони фақатгина халқимиз мустақилликка эришгандан кейингина пайдо бўлди. Шунда ҳам Ислом илмлари ичида энг мураккаб соҳалардан бири ҳисобланган мерос илми масалаларини ўрганишга унча-мунча одам жазм қилиши қийин бўлди. Сабаби, бу илмни ўрганиш ва айниқса, барчага баробар тушунарли шаклда етказиш ниҳоятда машаққатли иш ҳисобланади. Шунга қарамай, кейинги йилларда бу соҳада бажарилган баъзи ишлар китобхонларга етиб борди.

Жумладан, муҳтарам уламолардан бирлари бўлмиш, марҳум шайх Дўст Муҳаммад Турсун ҳазратлари томонидан тайёрланиб, Мақсудхон Исмоилийнинг саъй-ҳаракатлари билан рўёбга чиқиб, ўқувчиларга етиб борган ўзбек тилидаги дастлабки рисола 2004 йилда "Адолат" нашриётида чоп этилди.[32] Мазкур рисола замондошларимиз томонидан ўзбек тилида тайёрланган мерос илмига бағишланган энг дастлабки иш бўлгани сабабли, муаллиф уни жуда содда, барча ўқувчига мерос илми борасида умумий тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берадиган бир шаклда бўлишига интилган. Натижада

[32] Шайх Дўст Муҳаммад Турсун. "Мерос рисоласи". Тошкент: Адолат нашриёти. 2004. 19 бет.

ўзи ниҳоятда мўъжазгина, шу билан бир қаторда, жуда фойдали бир китобча яратилган. Китобчанинг фазилатлари қаторида унда махсус истилоҳлар ва таржимасиз қолдирилган арабча сўзлар деярли ишлатилмаганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай йўл тутилиши фароиз илмининг жуда мураккаб жиҳатларининг назардан мутлақо четда қолишига сабаб бўлган бўлса ҳам, мерос илмининг энг зарур жиҳатларини осон ва ҳаммабоп тарзда баён қилинишига хизмат қилган.

Ўша йили Муҳаммадайюб Ҳомидов томонидан тайёрланиб, “Мовароуннаҳр” нашриётида чоп қилинган яна бир китобча “Фароиз фанидан маърузалар матни” деб номланади. Бу қўлланма мақсад ва мазмун-моҳияти билан Тошкент ислом институти талабаларига мерос илмидан дарс беришга мўлжалланган. Нашр олий ўқув юрти талабаларига мўлжаллангани учун унда мавзулар анча батафсил ва жадваллар воситасида ёритилган бўлиб, мерос илмининг мураккаб ва нозик жиҳатларини қамраб олишга ҳаракат қилинган. Бу қўлланмада араб тилидаги сўзлар нисбатан кўп ҳолларда таржимасиз ишлатилган. Институтда талабалар араб тилини мукаммал ўрганишларини назарда тутган ҳолда, бу камчиликка алоҳида урғу бермаслик мумкин. Қолаверса, муаллиф кўп ҳолларда махсус сўз ва ибораларни, истилоҳларни имкон борича ўзбек тилига ўгиришга ёки ҳеч бўлмаганда шарҳлашга ҳаракат қилгани сезилиб туради. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати илова қилингани қўлланманинг илмийлигини таъминлаган.

Мерос мавзусида битилган асарлар сирасида шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг “Ҳадис ва ҳаёт” рукни остида чоп этилган “Фароиз ва васиятлар” номли асарлари алоҳида ўрин тутади. Мазкур асар юқорида зикр қилганларимиз ва қуйида таҳлил қиладиган китоблар орасида, шубҳасиз, энг юқори

мақомда туради. Бу асарни шу ўринда келтиришимизнинг боиси эса нашр йиллари кетма-кетлигига риоя қилиш сабабидандир.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан 2008 йилда чоп этилган бу асар, аввало, жиддий илмий асосга қурилгани билан алоҳида эътиборга молик. Бундан ташқари, Ислом илмларининг энг мураккаби ҳисобланган мерос илми мазмун-моҳияти, замонавий ўзбек тилида ҳамма бир хил осон тушунадиган шаклда тақдим этилгани бу китобнинг қимматини янада оширган. Муаллиф бу асарда ўрта асрларга оид ва гоҳида ҳатто бизнинг давримизда долзарблигини йўқотган мавзудаги манбаларни тадқиқ ва таҳлил этиш масаласига муносабат билдириб гўзал бир фикр айтади: "Бу ривоятларни ўрганиш орқали Аллоҳнинг охирги Пайғамбари Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадислари ўрганилади, тил ўрганилади, шаръий маъно ва ҳукм, қолаверса, тарих ўрганилади."[33]

Бизнинг назаримизда бу китоб ҳозирги кунда мамлакатимизда мерос илми борасида битилган энг қулай ва махсус тайёргарлиги бўлмаган ўқувчига ҳам мавзу бўйича муайян тасаввур бера оладиган асардир. Зеро, у мерос илмини бу соҳага бағишланган бирон бир асарнинг матнини шарҳлаш йўли билан эмас, балки мавзуни мазкур илмга оид илк Ислом манбалари, оят ва ҳадислар асосида тушунтириб бериш усулидан фойдаланилган ҳолда ёзилган.

Мустақиллик йилларида мерос илми соҳасида амалга оширилган нашрлардан яна бири 2010 йилда "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашма-

---

[33] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. "Ҳадис ва ҳаёт". "Фароиз ва васиятлар". 12-жуз. Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2008. – Б. 85.

сида чоп этилган. Ўқув қўлланма деб тақдим этилган бу китобнинг номи "Фароизус Сирожийя" бўлиб, муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланган.[34] Китобнинг кириш қисмида таъкидланишича, бу ўқув қўлланма "Фароизус Сирожийя"[35] асари асосида тайёрланган.

Бу китобни мазкур асарнинг ўзбек тилига шарҳли таржимаси деб атаса ҳам бўлади. Муаллифлар қийин мавзуни ўзбек тилида тушунарли бўлиши учун катта меҳнат қилганлар. Албатта, бу саъй-ҳаракат ўзининг анчайин ижобий самарасини берган.

Бундан ташқари, Абу Исом Нуриддин Муслиҳиддин ал-Бухорийнинг "Исломда мерос рисоласи" номли китоби Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида 2003 йилда чоп қилингани ҳақида маълумотга эга бўлсак-да, бу асар билан танишиш имкониятини топмадик.

Умуман олганда, мерос илми бўйича ўзбек тилидаги асарлар унча кўп эмас. Мавжуд нашрларнинг илмий савияси турлича бўлишига қарамай, уларнинг барчаси кам деганда мерос илми ҳақида тасаввур ҳосил қилишга етарли. Бироқ замонавий нашрлар орасида ўрта асрларда яратилган мерос илмига бағишланган асарларнинг бевосита қўлёзма нусхалари асосида тайёрланган илмий-танқидий матн ва манбалар нашри йўқ. Ваҳоланки, ўрта асрларда Ислом дунёсида ўз илмий салоҳиятлари билан ғарбу шарққа дарс айтадиган даражадаги Ислом илмлари алломалари айнан бизнинг диёримиз-

[34] К.Нуъмонов, З.Қўлдашев, А.Ғофуров. "Фароиз ас-Сирожийя". Тошкент. 2010. 142 бет.

[35] Бу асар Муҳаммад ибн Маҳмуд ас-Сажовандийнинг қаламига мансуб. Китоб муаллифлари алломанинг нисбасини Сажозандий шаклида нотўғри тарзда келтирганлар. Асар номининг тўғри ёзилиши эса "ал-Фароиз ас-Сирожийя" шаклида бўлиши лозим. Ҳали-ҳануз бизда араб тилидаги асарлар номларининг транскрипцияси, яъни кирилл ёзувида ифодаланишининг қатъий бир кўриниши шаклланмаган, ваҳоланки, ғарб ва рус шарқшунослиги ва матншунослигида бу масала аллақачон ҳал қилиб бўлинган, ҳеч бўлмаганда, асар номларини ўқилишининг тўғри ифодаланишига эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўларди.

да етишиб чиққани маълум. Уларнинг аксарияти мерос илмига оид махсус асарлар ҳам битганлар.

Шундай алломалардан бири улуғ аллома, фақиҳ Бурҳонуддин ал-Марғиноний бўлиб, у зотнинг мерос илмига бағишланган асари "ал-Мажмуъ ал-Усмоний" деб номланган[36].

Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг мазкур асари нусхалари мамлакатимиз қўлёзмалар хазиналарида мавжуд эмас, деган фикрда юрар эдик. Кейинги изланишлар натижасида унинг бир нечта қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасидан топилди. Бу асарнинг шу пайтгача топилмагани ва эътибордан четда қолиб келганининг асосий сабаби, у алоҳида қўлёзма шаклида эмас, балки алломанинг набираси Имодуддин ал-Марғинонийнинг "ал-Фусул ал-Имодийя" асари таркибида экани билан боғлиқ бўлиб чиқди. "ал-Мажмуъ ал-Усмоний" асари "ал-Фусул ал-Имодийя" таркибига унинг фаслларидан бири сифатида киритилгани боис мутахассисларга маълум бўлмай келган. Чунки қирқ фаслдан иборат бўлган китобнинг ўттиз еттинчи фасли мерос тақсимоти масалаларига оид бўлиб, муаллифнинг эътирофича, у бу мавзуга оид янги асар ёзиб ўтирмасдан, бобоси Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг "ал-Мажмуъ ал-Усмоний" асарини қўшиб қўйишга қарор қилган.[37]

Асар ҳақидаги маълумотлар таҳлилига ўтишдан аввал баъзи мулоҳазалар. Гап шундаки, алломанинг буюк асари "ал-Ҳидоя" Ислом оламида алоҳида эъзоз ва эътиборга сазовор бўлган асар ҳисобланади. Унда фиқҳ

---

[36] Бу асар ҳақида, жумладан, "Жавоҳир ал-фиқҳ"да зикр қилинган бўлиб, мазкур манбанинг дунёда ягона нодир нусхаси ҳам ЎзР ФА ШИ да 9533 рақами билан сақланади.

[37] "Ал-Фусул ал-Имодийя". ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди қўлёзмаси, № 3166. – В. 86.

илмининг деярли барча мавзулари қамраб олингани ҳолда, фуқаролик ҳуқуқининг муҳим йўналиши ҳисобланган мерос илми мавзуси асар таркибидан ўрин олмаган. Фикримизча, бунинг сабаби бу асар алоҳида китоб шаклида таълиф этилганида бўлса керак. Бир томондан асар аслида унчалик катта ҳажмда эмас. Ёзувнинг майда-йириклиги ва асар битилган қоғознинг катта-кичик ҳажмда эканига қараб 8–10 варақни ташкил этиши мумкин. Иккинчи томондан, мерос илми Ислом илмлари орасида энг қийин соҳалардан ҳисобланиб, асар фақатгина шу соҳага алоқадор мутахассислар томонидангина фойдалана олиниши мумкин бўлган мавзуга бағишланган. Эҳтимол, шунинг учун ҳам бошқа фиқҳий асарлар сингари кўплаб нусхаларда кўчирилмаган.

Бу асар ўз даврида истеъмолда бўлган. Назаримизда, ўрта асрларда бир муддат бу мавзудаги асарларни йирик фиқҳий асарлар такрибига киритиш одат бўлмаган. Аксинча, мерос мавзусига оид асарлар алоҳида ҳолда битилган. Шундан бўлса керак, X-XII асрларда битилган фиқҳий асарларнинг аксариятига бу мавзу киритилмаган. Кейинчалик, мўғуллар босқинидан кейинги даврда битилган фиқҳий асарлар таркибида мерос мавзуси ўрин ола бошлаган.

Иккинчи мулоҳаза, Бурҳонуддин ал-Марғиноний қаламига мансуб ушбу асарнинг "ал-Мажмуъ ал-Усмоний" шаклида номланиши масаласи. Бу ўринда турли тахминларга бордик. Биринчидан, Абдулқодир ибн Абу-л-Вафо (1297-1373) ўзининг "ал-Жавоҳир ал-Музиъа фи Табақот ал-Ҳанафийя" ("Ҳанафийлар таржимаи ҳолларида зиё таратувчи жавоҳирлар") асарида бу хилдаги номли асарни халифа Усмон ибн Аффонга (розияллоҳу анҳу) ёки унга эргашганларга нисбат қилинганини ҳамда "Китоб ал-Фароиз" унга тегишли эканини

зикр қилган[38]. Лекин ал-Усмонийнинг кимлиги ҳақида бирорта маълумот бермаган ва ушбу асарни "ал-Фароиз ал-Усмонийя" деб тилга олса-да, унинг Бурҳониддин ал-Марғиноний қаламига мансублиги ҳақида ҳам сўз юритмаган. Иккинчи томондан, бу асар айни шу тарзда номланишининг аниқ сабабларини бевосита қўлёзма манбаларда зикр қилингани ёки изоҳланганини топишга муяссар бўлмадик.

Айни пайтда асар бошланишида Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг ўзи эътироф этиб, "Бир қориндан туғишганлик риштаси, муртадлар каби ва шунга ўхшаш масалалар бўйича ҳукмлар мусанниф зикридан четда қолгани..."[39] деган ибораларни ёзган. Демак, бу билан аллома асарнинг дастлабки шаклининг бошқа бир муаллифи бўлгани ва у қандайдир сабаблар билан қатор масалаларни унинг таркибига киритмагани ҳақида зикр қилади. Бу ҳолат бизга ўрта асрларда яшаб ижод этган ҳанафий алломалардан Абу-л-Ҳасан Али ибн ал-Хизр ибн ал-Ҳасан ал-Қураший ад-Димашқий ал-Усмоний (ваф. 1067) шахсиятига эътибор қаратишимизга туртки бўлди. Бу олим фароиз илмининг билимдони, математик олим бўлиб, "Илм ал-Ҳисоб" ("Ҳисоб-китоб илми"), "ал-Вафийёт" ("Садоқатлилар"), "Ат-Тазкира би-Усул ал-Ҳисоб ва ал-Фароиз" ("Мерос тақсимоти ва ҳисоб-китоб асосларини билдириш") номли асарлар муаллифи бўлган[40].

Бурҳонуддин ал-Марғиноний айни шу алломанинг меросга оид асарини тўлдириб қайта ишлаган бўлиши ва шу сабабдан асарнинг дастлабки шакли муал-

---

[38] Абдулқодир ибн Абу-л-Вафо. "Ал-Жавоҳир ал-музиа фи табақот ал-ҳанафийя". – Байрут: Дорул кутубил илмийя. 2005. – Б. 496.

[39] ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси. Инв № 5916. 452 А ва В бет.

[40] Хайриддин аз-Зириклий. "Ал-Аълом". IV-жуз. – Байрут: Дорул илм лил малайин. 2002. – Б. 284.

лифи ҳақига риоя қилиш мақсадида уни "ал-Мажмуъ ал-Усмоний" деб атаган бўлиши мумкин, деган фикрга келдик.

"Ал-Мажмуъ ал-Усмоний" асарининг умумий ҳажми барча нусхаларда деярли бир хил. Юқорида зикр қилинганидек, қўлёзма ҳажмига ва ёзувининг майда йириклигига қараб тахминан 8–10 варақни ташкил этади.

Асарда дастлаб мерос мулки нима экани ҳақидаги таъриф келтирилади. Ундан маълум бўладики, бирон инсоннинг вафотидан кейин қолган мол-мулки мерос мулк ҳисобланади. Бу мулкнинг марҳумни дафн қилиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар, агар унинг қарзи бўлса, қарзларини адо этишга сарфланган маблағдан кейин қолган қисми меросхўрлар орасида тақсимланадиган улуши эса, ундан ҳисобланади. Фароиз илмида марҳумнинг мерос мулки хусусида қолдирган васияти тақсимланиш учун қолган мерос мулкининг учдан бир қисми миқдоридан ошмаслиги белгилаб қўйилган. Асарда мерос олиши мумкин бўлган қариндошлар ва уларнинг даражалари муфассал баён қилинган. Меросхўрларнинг марҳумга қариндошлик нуқтаи назаридан узоқ-яқинлигига қараб уларга тегиши мумкин бўлган мерос миқдори ҳам белгилаб қўйилган. Бу меъёр ва мезонлар инсонлар ўртасидаги қариндошлик ришталари ва даражалари ниҳоятда хилма-хил бўлгани сабабидан мураккаб арифметик тенгламалар ва ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилган. Мазкур меъёр ва мезонлар фароиз илмининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

"Ал-Мажмуъ ал-Усмоний" асарида беш фасл ва иккита мавзу қизил сиёҳ билан алоҳида ажратиб ёзилган.

Дастлабки фасл "Она томонидан бўлган қариндошларга оид фасл" деб номланган бўлиб, унда қариндошлик даражалари белгилаб берилган. Бу ерда она

томондан бўлган қариндошлар беш турга бўлиниши ва бу турларнинг номлари зикр қилинган. Умумий таъриф берилгандан сўнг асарда ҳар бир синфга оид меъёр ва мезонлар бирма-бир алоҳида фаслларда баён қилинган.

Кейингиси "Биринчи тур қариндошлар ҳақидаги фасл" деб аталиб, унда тенг шароитда меросга бошқалардан кўра ҳақлироқ бўлган қариндошлар ҳақида маълумот берилади ва уларнинг даражалари белгилаб берилади.

"Иккинчи тур қариндошлар ҳақидаги фасл"да бу тур қариндошларга кимлар киритилиши белгилаб берилган. Фасл мазмунидан бу тоифага она томонидан бўлган бобо ва бувилар киритилиши маълум бўлади.

"Учинчи тур қариндошлар ҳақидаги фасл"да опа-сингилларнинг ўғил фарзандлари ва ака-укаларнинг қиз фарзиндлари ҳақида сўз юритилади.

"Тўртинчи тур қариндошлар ҳақидаги фасл"да онанинг амакиларининг ўғил фарзандлари ва уларнинг меросдаги улушлари ҳақида фикр билдирилади.

[540] أكدرية *акдария*, كدر феълидан (араб.), луғавий маъноси: лойқалатмоқ, қайғуга солмоқ, хиралик қилмоқ. Мерос илми истилоҳида меросхўрларнинг бир тоифаси. Бу тоифа меросхўрларни *акдария* деб номланишининг сабаби тўғрисида турли фикрлар билдирилган. Масалан, "Фароизи Сирожийя"да ушбу масала Бани Акдар қабиласидан бўлган бир аёл вафот қилганида, унинг меросини бўлиш асносида юзага чиққан, дейилган.

ҳўрларнинг тоифалари бир-бирлари билан аралашиб кетади. Айтишларича, бу масала Зайдни (розияллоҳу анҳу) ҳам чалғитган. Зайддан (розияллоҳу анҳу) унинг ўғли Хорижа[541] ривоят қилишича, у "эр учун ярим, она учун учдан бир, бобо учун олтидан бир, опа учун ярим-дир. Бундан кейин бобонинг улуши опанинг улушига қўшилади. Ҳосил бўлган миқдор уч бўлакка тақсимланади. Унинг учдан иккиси бобога, учдан бири эса опага тегади" деган. Масаланинг асосини ташкил қилувчи олти бўлак тўққизга *авл*[542] қилинади.Умумий ҳисса эса йигирма етти деб ҳисобланади. Қабиса ибн Зуайб[543] (розияллоҳу анҳу) эса "Худо ҳаққи, Зайд (розияллоҳу анҳу) "акдария" борасида бирор нарса деган эмас " деб айтган.

Агар опа (ёки сингил)нинг ўрнида ака (ёки ука) бўлганда, *авл* ҳам, *акдария* ҳам бўлмайди, уларга мерос ҳам тегмайди. Чунки ака (ёки ука) *асаба*га алоқадор бўлиб, опа (ёки сингил) эса улуш соҳибаларидир. Агар ака (ёки ука) ва опа (ёки сингил) бўлган, ёки опа-сингил бўлган ҳолда ҳам, *акдария* бўлмайди. Чунки онанинг ҳаққи учдан бирдан олтидан бирга туширилади. У икковини улуш соҳибалари деб ҳисоблашга зарурат йўқ. Бу ҳолда эр учун ярим, она учун олтидан бир, бобо учун олтидан бир ҳисса ажратилади, қолгани эса икки опа (ёки сингил) нинг орасида тенг бўлинади. Агар ака (ёки ука) ва опа (ёки сингил)нинг ўртасида тақсимланса, "бир эркакка икки аёлнинг ҳиссаси" қоидасига кўра тақсимланади.

---

[541] Абу Зайд Хорижа ибн Зайд ибн Собит ибн аз-Заҳҳок ал-Ансорий (650-717). Бани Нажжор қабиласига мансуб машҳур саҳоба Зайд ибн Собитнинг ўғли, тобеъинлардан бири. Ҳадис ривоятида ҳам ишончли ҳисобланган.

[542] عول *авл* (араб.), луғавий маъноси: таъминламоқ, боқмоқ, оғирлаштирмоқ. Мерос илми истилоҳида мерос миқдорини махсус йўл билан ҳисоблаш услуби. Бунда баъзи улуш соҳибларига мерос етмай қолса, мерос мулк кўпроқ қисмларга бўлиниб қайта тақсимланади. Матннинг давомида бундан кейин мазкур истилоҳ ишлатилади.

[543] Қабиса ибн Зуайб ибн Ҳалҳала ал-Хузоъий ал-Каъбий (622-705) – саҳоба. Пайғамбар (алайҳиссалом) дуосини олган, ўз даврининг олимларидан бири саналган.

Бобога ҳақ ажратиш ва уни улушга сиқилиб кириши масаласида, отанинг ўғли ота ва она бир боланинг мақомида ҳисобланади. Бобо ўртадан чиқса, ҳаммаси, худди бобо бўлмагандаги ҳолатдаги каби, ўз аслига қайтади.

Унинг мисоли бобо ва ота-она бир ака (ёки ука) ва ота бир ака (ёки ука) бўлган ҳолатда, мол-мулк улар орасида уч бўлакка бўлинади. Бобо учун бир улуш, ҳар икки ака (ёки ука) учун бир улушдан.

Тақсимотдан сўнг ота-она бир ака (ёки ука) ота бир ака (ёки ука) қўлидаги нарсани қайтариб олади ва кейингиси ҳеч нарсасиз ўртадан чиқади.

Бобо ва ота-она бир ака (ёки ука) ва ота бир ака-ука меросхўр бўлган ҳолатда, бобо учун учдан бир ҳисса тегиши тўғри. Қолгани ота-она бир ака (ёки ука)га тегади.

Шундай қилиб бу жавоб, ҳисса чиқариш йўллари фарқли бўлишига қарамай, мазкур ҳар икки масалага мувофиқ келади.

Меросхўрлар бобо, ота-она бир опа (ёки сингил) ва ота бир опа (ёки сингил) бўлса, бу ҳолда мол-мулк улар орасида тўрт бўлакка бўлинади. Бобо учун икки улуш, ҳар бир опа (ёки сингил) учун бир улушдан тегади. Кейин ота-она бир опа (ёки сингил) ота бир опа (ёки сингил)нинг қўлидаги нарсани қайтариб олади ва кейингиси ҳеч нарсасиз ўртадан чиқади.

Меросхўрлар бобо, ота-она бир опа (ёки сингил) ва ота бир опа-сингил бўлган ҳолда, мол-мулк улар орасида беш бўлакка бўлинади. Бобо учун икки улуш, ҳар бир опа (ёки сингил)га бир улушдан тегади. Кейин ота-она бир опа (ёки сингил) ота бир опа-сингилнинг қўлларидаги нарсадан (ўзининг улуши) тўлиқ мулкнинг ярмини (ташкил қилгунча бўлган қисмини) қайтариб олади. Улушнинг қолгани эса тенг бўлиниб, ота бир опа-сингилга берилади. Бу ҳолда масаланинг бешдан иборат асли йигирмадан этиб тўғриланади.

Меросхўрлар бобо, ота-она бир опа (ёки сингил) ва ота бир ака (ёки ука) бўлса, бу ҳолда масала тўртинчи услуб билан бир хил кўринишда бўлади. Фақат бу ҳолда масаланинг асли ўн этиб тўғриланади. Шунинг учун бу "Зайднинг ўнлиги" деб номланган. Боиси Зайднинг (розияллоҳу анҳу) фикрича, ака (ёки ука)га молнинг ўндан бири тегади.

Меросхўрлар бобо, икки буви – онанинг онаси ва отанинг онаси, ота-она бир опа (ёки сингил) ва ота бир тўққизта опа-сингил бўлган ҳолатда, икки бувига олтидан бир ҳисса тегади, бобога қолган мулкнинг учдан бири ажратилади. Чунки бу ҳолда мероснинг учдан бири ажратилиши энг тўғри йўлдир. Сўнг ота-она бир опа (ёки сингил)га қолган жами молнинг ярми тегади. Тўққиз нафар опа-сингиллар учун эса олтидан бирнинг учдан бири қолади. Унинг асли олтидан иборат эди ва у ўн саккизга авл қилиниб, уч юз йигирма тўртдан қилиб тўғриланади.

Қизларга келсак, улар улуш эгалари бўлиб, фақат агар уларнинг даражасида бирор эркак аралашиб қолса, улар *асаба*га айланиб қоладилар.

Агар улар улуш соҳибалари бўлсалар, марҳумнинг пушти камаридан бўлган қиз битта бўлса, унга мероснинг ярми, иккита ва ундан зиёда бўлса, мероснинг учдан икки ҳиссаси берилади. Қиз фарзандларнинг сони қанча кўп бўлса ҳам, уларга учдан иккидан зиёда улуш ажратилмайди.

Агар пушти камаридан бўлган қиз фарзанд битта бўлиб, у билан бирга ўғилнинг битта ёки кўпроқ қизи бўлса, учдан икки миқдорини ҳосил қилиш учун пушти камаридан бўлган қизга ярим, ўғилнинг қизига эса, олтидан бир улуш берилади.

Агар пушти камаридан бўлганлар икки қиз бўлса, ўғилнинг қизига улуш тегмайди. Агар пушти камари-

дан бўлган битта ўғил бўлса, ўғилнинг қизига ҳеч нарса йўқ. Агар пушти камаридан бўлган ўғил ҳам, қиз ҳам қолмаган бўлса, ўғилнинг қизи худди пушти камаридан бўлган қиздек улуш олади.

Ўғилнинг наслидан бўлган уч қизнинг бири кейингисидан пасайиб боради. Масалан, ўғилнинг қизи, ўғилнинг ўғлининг қизи (қиз набираси), ўғилнинг ўғлининг ўғлининг қизи (қиз чевараси)дир. Бу қизларнинг ҳаммаси юқори даражада. Унинг тафсилоти юқорининг юқориси, юқорининг ўртаси ва юқорининг пастидир.

Бошқа ўғилнинг ўғлининг учта қизи. Уларнинг бири кейингисидан пасайиб боради. Масалан: ўғилнинг ўғлининг қизи (набираси), ўғилнинг ўғлининг ўғлининг қизи (чевараси) ва ўғилнинг ўғлининг ўғлининг ўғлининг қизи (эвараси) бўлганда уларнинг ҳаммаси ўрта даражада. Унинг тафсилоти ўртанинг юқориси, ўртанинг ўртаси ва ўртанинг пастидир.

Бошқа ўғилнинг ўғлининг ўғлининг учта қизи. Уларнинг бири кейингисидан пасайиб боради. Масалан: ўғилнинг ўғлининг ўғлининг қизи (чевараси), ўғилнинг ўғлининг ўғлининг ўғлининг қизи (эвараси) ва ўғилнинг ўғлининг ўғлининг ўғлининг ўғлининг қизи (дувараси) бўлганда уларнинг ҳаммаси паст даражада. Унинг тафсилоти пастнинг юқориси, пастнинг ўртаси ва пастнинг пастидир.

Демак, биринчи гуруҳнинг юқорисидаги учун ярим, ундан кейин келадиган ва иккинчи гуруҳнинг юқорисидаги учдан иккини ҳосил қилиш мақсадида олтидан бир олади. Қолганларга эса ҳеч нарса йўқ.

Агар қолган аёлларнинг бири билан бирорта ўғил бола бўлса, унинг тўғрисидаги кимсани ва ўзидан юқоридагилардан меросдаги учдан икки улушини тўлиқ олмаганларни меросхўр қилади, ундан пастдагиларни эса меросдан тўсади.

Опа-сингилларга келсак, улар улуш эгасидир. Фақат уларнинг қаторида эркак бўлса, улар асабага айланиб қоладилар. Агар улар улуш эгаси бўлсалар, бир ота-онадан бўлган битта қиз учун ярим ҳисса, икки қиз ва ундан зиёдаси учун учдан икки ҳисса ажратилади. Демак, қанча кўп бўлсалар ҳам, уларга тегадиган мероснинг миқдори учдан икки ҳиссадан ошмайди.

Агар бир ота-онадан битта қиз бўлиб, у билан бирга яна фақат ота бир бўлган битта ёки ундан кўпроқ қиз бўлса, бир ота-онадан бўлганга ярим, ота бирдан бўлганга эса учдан иккини ҳосил қилиш мақсадида олтидан бир ҳисса ажратилади.

Агар битта ота-онадан бўлган иккита қиз бўлса, фақат отаси бир бўлган битта қизга улуш йўқ. Агар битта ота-онадан бўлган бир ўғил бўлса, фақат ота бир бўлган қизга ҳеч нарса йўқ.

Бир ота-онадан туғилган ўғил ҳам, қиз ҳам бўлмаса, отанинг қизи бир ота-онадан бўлган қиз каби ҳисобланади.

Аёлларнинг мерос ҳуқуқлари тўрт сабаб билан бекор бўлади: ўғил, ўғилнинг ўғли ва ундан қуйидагилар, ота, олдин ўтган ихтилофга кўра бобо ва улардан юқоридагилардир.

Қизлар билан бирга бўлганлар Пайғамбарнинг (алайҳиссалом): "Қизлар билан бирга бўлган опа-сингилларни *асаба* қилинглар!" деган сўзларига мувофиқ *асаба*дир[544].

Муштарак бўлганлар тоифаси ҳақидаги масала *"ҳимория"* деб номланади. Бу тоифага эр, она, она бир ака (ёки ука) ва опа (ёки сингил), ота-она бир ака (ёки ука) ва опа (ёки сингил)лар киради. Бу масаланинг биздаги

[544] Мазкур мазмундаги ҳадислар муҳаддислар асарларида бошқачароқ сийғаларда келган. Қаранг: Бухорий, 6/6360-6361; Доримий, 2/2938; Байҳақий, 2/2389; Насоий, 4/6328; Ибн Ҳиббон, 13/6034 (китоб жилди ва ҳадис рақами).

ечими Абу Бакр ас-Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) сўзидир. Яъни, эрга ярим ҳисса, онага олтидан бир ҳисса, она бир ака (ёки ука) ва опа (ёки сингил)га учдан бир ҳисса тегиб, мол шу билан тугайди. Дастлаб Умар[545] (розияллоҳу анҳу) ҳам шу фикрга риоя қилиб келган эди. Бироқ унинг ёнига мерос олмаган, ота-онаси бир бўлган фарзандлар келиб: "Хўп, отамиз эшак каби дейлик, онамиз бир бўлмаганми?" деб эътироз қилганлар. Шунда Умар (розияллоҳу анҳу) бу ҳукмни бекор қилиб, уларни меросда учдан бир ҳиссада тенг шерик қилиб қўйган ва эркакни аёлдан устун қўймаган. Усмон[546] (розияллоҳу анҳу) ҳам шу фикрга эргашган бўлиб, ундан Молик (раҳимаҳуллоҳ), Шофиъий (раҳимаҳуллоҳ) ва Авзоъий[547] (раҳимаҳуллоҳ) олган.

*Асаба*ларга келсак, уларнинг энг яқини ўғил, сўнг набира (ўғилнинг ўғли) ва ундан қуйидагилар. Кейин ота, сўнг олдин ўтган ихтилофга кўра бобо ва ундан юқоридагилар.

Кейинги меросхўрлар ота-она бир ака (ёки ука), ота бир ака (ёки ука), ота-она бир ака (ёки ука)нинг ўғли, ота бир ака (ёки ука)нинг ўғлидир. Шунингдек, бу икковининг болалари ва улардан қуйидагилар.

Улардан кейинги меросхўрлар ота-она бир амаки, ота бир амаки, ота-она бир амакининг ўғли, ота бир амакининг ўғлидир. Шунингдек, икковининг болалари ва улардан қуйидагилар.

545 Умар ибн Хаттоб (585-644) – хулафои рошидинлардан иккинчиси, ўн йил халифа бўлган таниқли саҳоба. Илк ислом давлатининг асосларини барпо этган буюк ҳукмдор сифатида "Умар одил" деб улуғланади.

546 Усмон ибн Аффон (575-656) – хулафои рошидинлардан учинчиси. Пайғамбарнинг (алайҳиссалом) икки нафар қизига кетма-кет уйланган таниқли саҳоба. Шунинг учун "Зу-н-нурайн" ("Икки нур эгаси") номи билан танилган. Унинг халифалиги даврида Қуръоннинг матни тўпланиб, китоб ҳолига келтирилган.

547 Абу Амр Абдурраҳмон ибн Амр ал-Авзоъий (707-774) – таниқли илоҳиётшунос олим. Сурияда яшаган. У ҳам алоҳида мазҳаб тузган. Бироқ кейинчалик ривожланмай тарқалиб кетган.

Улардан кейинги меросхўрлар ота-она бир отанинг амакиси, ота бир отанинг амакиси, ота-она бир отанинг амакисининг ўғли, ота бир отанинг амакисининг ўғлидир. Боболарнинг амакилари ва улардан юқорилар, уларнинг эркак фарзандлари ва улардан қуйидагилар.

Кейинги меросхўрлар эркак бўлса ҳам, аёл бўлса ҳам қулни озод қилувчи ва озод қилувчини озод қилувчилардир. Улардан кейингилари иккисининг *асаба*лари бўлиб, бу масалада эса ихтилоф бор.

Кейинги масала Аллоҳ субҳонаҳунинг ёрдами ва у ато этган муваффақият билан улуш соҳибларига тегишли мерос тақсимоти мавзусидир. (Улуш эгалари) тоифасига мансублари аввалги олти нафаридир. Икки ҳолатга кўра ҳам мерос улуши эгалари эса, кейинги олти нафаридир. *Асаба* ҳукми боис улуш эгалари ҳам мазкурлардир. Ундан кейин усуллар бўлиб, улардан олтита тарқоқ улушлар чиқиши тўғри бўлади. Улар еттитадир. Саккизинчиси тасҳиҳ (масалани тўғрилаш)дир ва у икки, уч, тўрт, олти, саккиз, ўн икки, йигирма тўртдан бўлади. Булардан учтаси олтидан ўнгача, тоқ ва жуфт ҳолда *авл* бўлади. Ўн иккидан эса ўн еттига жуфт эмас, тоқ ҳолда *авл* бўлади. Йигирма тўртдан эса йигирма еттига бир мартага *авл* бўлади. Бу миқдорларнинг чиқариш йўли, қачонки, сенга ушбу олтита тарқоқ улушдан битта-биттадан келганда, ҳар бир бўлакнинг махражи ўзининг ҳамномидир[548]. Фақат ярим миқдор бундан мустасно, чунки у иккидан нисбат қилиб ҳисобланади. Агар иккита ва учтадан келса, қаралади. Мабодо иккови бир жинсдан[549] бўлса, (махражи) каттаси сени беҳожат қилади ва сенга кифоя қилади. Агар иккиси ҳам

[548] "Ҳамном" дейилганда, бу ерда учдан учдан бир, тўртдан эса, тўртдан бир, саккиздан эса, саккиздан бир тушунилиши керак.

[549] Жинс – бу ерда махсус истилоҳ маъносида бўлиб, мерос мулкдаги муайян туркум миқдорни ифодалайди. Яъни 1/3, 1/6, 2/3 бир жинс, 1/8, 1/4, 1/2 бошқа бир жинс ҳисобланади.

икки турли жинсдан бўлса қаралади, мавжуд ҳиссанинг ярим миқдори бошқа бир ҳиссанинг ҳаммасига ёки бир қисмига аралашган бўлса, масаланинг асли олти ҳиссадан деб ҳисобланади. Агар мавжуд ҳиссанинг тўртдан бири бошқа бир ҳиссанинг ҳаммаси ёки бир қисмига аралашган бўлса, масаланинг асли ўн иккидан деб ҳисобланади.

Агар мавжуд ҳиссанинг саккиздан бири бошқа бир ҳиссанинг ҳаммаси ёки бир қисмига аралашган бўлса, масаланинг асли йигирма тўртдан деб ҳисобланади.

Энди саккизинчи усул қолди ва бу мероснинг бўлинмас қисмини тўғрилашдир. Бу ҳолда битта муқаддимага эҳтиёж туғилади. У ҳам бўлса, икки хил ҳисобнинг бир-бирига *вафқини*[550] билишдир. Яъни, кўпни озга бўлиш ёки кўп миқдордан оз миқдорни икки томондан ташлаб бориш натижасида бир даражада икковининг мослашиб қолишидир. Фақат, агар иккови битта сонда мувофиқ келса, мослик бўлмайди. Агар бирдан ортиқ сонда мувофиқ келсалар, мослик бўлади. Яъни, иккида ярим билан, учда учдан бир билан, тўртда тўртдан бир билан, шу тариқа токи ўнгача мослик бўлади. Ўнда эса, ўндан бир билан, ўн бирда эса, ўн бирдан бир бўлак билан мослик бўлади. Шу тариқа то ҳисоб тугагунча давом этади. Оқибатда иккови ўзлари мослашган бўлакларига нисбат қилинаверади.

Энди касрли улушни тўғрилаш хусусида, агар улушлар киши бошига тақсимланганда касрали сон чиқса, улуш ва меросхўрлар сони ўртасидаги мувофиқликни ахтарамиз. Агар топа олмасак, меросхўрларнинг барчасини оламиз. Агар топа олсак, меросхўрларнинг сонига мос келадиганини оламиз. Худди шундай иккинчиси, учин-

---

550 وفق *вафқун* (араб), луғавий маъноси: мувофиқлик, мутаносиблик. Мерос илми истилоҳида умумий миқдорни мувофиқлаштирувчи кўрсаткич. Яъни, тақсимотда миқдорни бўлувчи умумий муносиб сон.

чиси, тўртинчиси билан ҳам кўпайтирмасдан амалга оширилади. Сўнг меросхўрлар ўртасида яна бошқа бир иш қилинади. Меросхўрлар ўртасида мувофиқликни қидирамиз. Агар топа олмасак, бирининг тўлиқ ҳақини иккинчисининг тўлиқ ҳақига кўпайтирамиз. Агар топа олсак, иккисидан биттасининг мослигини иккинчисининг борига кўпайтирамиз.

Худди шу ишни учинчи ва тўртинчилар билан ҳам бажарамиз. Агар сонлар бир-бирига мос келса, биттаси билан кифояланамиз. Агар сонлар қолдиқсиз бўлинса, уларнинг кўпи билан кифояланамиз. Ҳосил бўлган нарса меросхўрларга тегадиган умумий маблағдир. Жамланган маблағни насибадорларга тақсимлаш учун сақлаб қўямиз. Ҳосил бўлган маблағни агар у *авл* бўлса, *авл* билан бирга мерос улушининг аслига кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган маблағ асосида масала тўғри ечилган бўлади.

Ҳар бир гуруҳнинг улушига келсак, уларнинг насибаси асл мерос улушини бу гуруҳнинг бошланишдаги ҳиссасига кўпайтирилгандан ҳосил бўлган миқдорга тенгдир. Мерос улушлари каср ҳосил қилмаган кимсаларнинг ҳар бирининг ҳиссаси эса, уларнинг дастлабки ҳиссасини мерос улушининг аслига кўпайтирилгандан ҳосил бўлган миқдорга тенгдир.

Аммо мерос улушлари каср ҳосил қиладиган кимсаларга келсак, уларнинг насибасини белгилашни хоҳласак, тўртта муқаддимага муҳтож бўламиз.

Биринчиси, бу тоифа меросхўрларнинг сонини мувофиқлаштириш ёки уларнинг *вафқ*ини мослаштириш лозим бўлади. Бунинг учун уларнинг улушлари ёки бу тоифанинг *вафқ*ини оламиз.

Иккинчиси, меросхўрлар бир тоифаси сонлари ҳосиласи билан барча тоифалар сонлари йиғиндиси орасидаги мосликни қидирамиз. Уларнинг ортида улушлари

каср ҳосил қиладиган кимсалар бўлади. Шунда ҳар бир мувофиқ келган сондан *вафқ* олинади, ҳар бир тафовутли сондан бутун (*алкулл*) олинади.

Учинчиси, тўхтатилган тоифадан бошқа тоифаларнинг меросхўрлари сони йиғиндисидан *вафқ*ни излаймиз. *Вафқ*ни топгандан кейин бирини бирига кўпайтирамиз.

Тўртинчиси, бирини бирига кўпайтиргандан кейин тўхтатилган тоифаларнинг меросхўрлари сони йиғиндисидан ҳосил бўлган нарсага қаралади. Шунда уни тўхтатилган тоифанинг улушларидан олганимизга кўпайтирилади ва ҳосил бўлгани тўхтатилган гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг насибаси ҳисобланади. Демак, бу қачон каср бир неча томондан бўлганда амалга оширилади. Агар икки томондан бўлса, учинчи муқаддимага муҳтож бўлмаймиз. Агар бир томондан бўлса, биринчи муқаддимага мурожаат қиламиз, холос.

Агар хоҳласанг, насибадорларни нисбат йўли билан чиқарасан. Яъни, ҳар бир тоифанинг улушини ўша тоифа меросхўрлар сонига қиёслайсан. Бу нисбатни эса, меросхўрларнинг тегишли маблағидан оласан. Ҳосил бўлгани эса, мана шу тоифадан ҳар бирининг насибасидир.

Агар хоҳласанг, меросхўрларга битта тоифани нисбат қиласан ва меросхўрларнинг маблағидан ушбу нисбатни оласан. Уни эса меросхўрларнинг улушларига кўпайтирасан. Чиққан миқдор уларнинг ҳар бирининг насибаси бўлади.

Агар меросни тақсимлашни хоҳласанг, ҳар бир меросхўрнинг меросдаги улушини кўпайтир. Кейин эса, жам бўлган миқдорни фароиз илми тўғри деб ҳисоблаган йўл билан тақсимла. Шунда қандай улуш чиқса, демак, бу унинг насибасидир.

Ким олиши лозим бўлган мерос ҳисобидан бирор нарсани олдиндан олишга келишса, унинг улуши мерос

тақсимотидан тушириб юборилади. Қолган меросни бошқа меросхўрлар улушларига тақсим қилинади.

Энди қайтариш масаласи. Бу шундай нарсаки, улуш соҳибларига ҳақларини берганимиздан кейин эгасиз бир улуш ортиб қолади. Мана шу ортган нарса меросхўрлар орасида уларнинг улушлари миқдорига мувофиқ тарзда қайтарилади. Фақат эр ва хотин бундан мустасно. Бу Умар (розияллоҳу анҳу) ва Али[551]нинг (розияллоҳу анҳу) гапидир. У бизнинг уламолар томонидан ҳам қабул қилинган. Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу) ортиқчаси давлат хазинасига олинади, деган. Бу фикрни Молик (раҳимаҳуллоҳ) ва Шофиъий (раҳимаҳуллоҳ) ҳам қабул қилган.

Ушбу масалаларни тўғрилашдаги асос шуки, масала ичида унга қайтариладиган кимса бўлмайдиган бўлса, тақсимлаш қайтарилиши мумкин бўлган кимсалар улушларига кўра бўлади. Агар улар ичида қайтариладиган кимса бўлса, унинг насибасини махражларининг энг озидан берамиз. Сўнг қолганига назар соламиз, агар мерос қайтарилаётган кимсанинг улушлари тўғри келса, ўз ҳолича қолаверади. Ундай бўлмаса, бундай кимсанинг улушини қайтарилмайдиган кимсанинг насибаси махражига етгунча кўпайтирамиз. Шу тариқа уларнинг улушлари тўғри бўлади. Агар шундан кейин ҳам каср миқдори ҳосил бўлса, аввалги йўлимизни тутамиз. Агар улуш қайтариладиган кимсалар битта гуруҳга мансуб бўлса, уларнинг сонларини кўпайтириб чиқамиз.

Улуш қайтарилган меросхўрлар хусусидаги масалаларни тўғри ҳал қилишнинг бошқа бир йўли бор. Бу шундай йўлки, унга кўра қайтариладиган мерос олувчиларнинг ҳақи улар худди ёлғиз бўлганларидаги

[551] Али ибн Абу Толиб (600-661) – хулафои рошидин ёки чорёрлар деб аталувчи дастлабки халифаларнинг тўртинчиси, Пайғамбарнинг (алайҳиссалом) куёви. Олимлиги билан ҳам танилган машҳур саҳоба.

ҳолатга тўғриланади. Улуш қайтарилмайдиган кимсага ҳам ўз насибаси берилади. Тўғрилаш шу йўл билан бўлади. Улуш қайтарилмайдиган кимсага ҳам ўз насибаси берилгандан кейин, агар у улуш қайтариладиган кимсанинг ҳиссаларига мувофиқ келсагина қолганларга қаралади. Агар бундай бўлмаса, улуш қайтариладиган кимса билан улуш қайтарилмайдиган кимсанинг насибаси белгилангандан кейин қолганлар орасидаги вафқни излаймиз. Агар топа олмасак, улуши қайтариладиган кимсанинг белгиланган ҳақини улуши қайтарилмайдиган кимсанинг белгиланган маблағига кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган натижа масаланинг тўғри ечим бўлади. Демак, улуши қайтарилмайдиган кимсанинг насибаси улуши қайтариладиган кимсанинг белгиланган ҳиссасига ёки унинг вафқига кўпайтирилган бўлади. Улуши қайтариладиган кимсаларнинг ҳар бирининг насибаси эса улуши қайтарилмайдиган кимсанинг насибаси белгилангандан кейин қолганларнинг ҳиссасига ёки унинг вафқига кўпайтирилган бўлади.

Муносаха[552] (меросни бошқа бировга ўтказиш). Унинг асоси, қоидага кўра, тўғри белгиланган мерос мулки бўлади. Қоидага биноан, аввало, биринчи марҳумнинг мероси унинг меросхўрларига тўғри тақсимланади. Бу меросдан ҳақдор бўлган ҳолда вафот топган иккинчи марҳумга теккан мерос мулки сақлаб турилади. Энди бу мерос мулкининг тақсимотига ўтамиз. Иккинчи марҳумнинг мерос улуши унинг меросхўрларига тўғри тақсимланади. Бунинг учун марҳумнинг ўз қўлида бўлган мулки билан олган мерос мулки орасидаги боғлиқликни белгилаймиз. Бу боғлиқликни топа олмасак, марҳум ўзи қолдирган мулкнинг ҳажмини мерос олган

[552] مناسخة *муносаха* (араб.), луғавий маъноси: сиқиб чиқариш. Мерос илми истилоҳида меросхўр бўлиб турган инсоннинг вафоти туфайли унга тегишли мероснинг бошқа меросхўрларга ўтказилиши тартиби.

мулки миқдорига кўпайтирамиз. Агар боғлиқликни топсак, марҳумнинг хос мулкини у олган мерос мулкининг ҳаммасига кўпайтирамиз.

Энди тақсимни бошлаймиз. Кимнинг биринчи мерос мулкидан улуши бўлса, у иккинчи мерос улушига кўпайтирилади. Кимнинг иккинчи мерос мулкидан улуши бўлса, у иккинчи марҳумнинг мерос улушига кўпайтирилади. Кимнинг иккала мерос улушидан ҳам насибаси бўлса, демак, унинг биринчи мерос улушидан бўлган моли иккинчи мерос улушига кўпайтирилган бўлади. Иккинчи мерос улушидан бўлган моли эса, иккинчи марҳумнинг насибасига кўпайтирилган бўлади. Бу ҳолат *вафқ* бўлмаганда содир бўлади. Аммо қачонки *вафқ* топилса, кўпайтириш ўринларида ўз *вафқ*ига кўпайтирамиз. Мана шундан учинчи марҳумга тегишли нарсани *вафқ*ни топиш учун сақлаб қўйилади. Сўнг учинчи марҳумнинг мерос мулки меросхўрларига тўғри тақсимланади. Кейин учинчи марҳумнинг ўзи қолдирган қўлидаги моли ва унга теккан мерос мулк улуши ўртасидаги мувофиқлик изланади. Агар топа олмасак, ушбу ажратилган мерос мулкининг ҳаммасини аввалги икки ажаратилган мерос мулкининг ҳаммасига кўпайтирамиз. Агар топа олсак, унинг *вафқ*ига кўпайтирамиз. Шундан кейин тақсим бошланади. Уларнинг барчаси учун шу тарзда иккига, учга, тўртга, бешга бўлинади. Тавфиқ Аллоҳдандир!

Билишинг лозим, *вафқ* қаерда топилган бўлса, унинг натижа ва самараси бор бўлади. *Муносаха* ва бошқа мавзуларнинг масаласини чиқарсак, ҳар бир ҳақдорнинг ҳақини берган ва насибасини тўла адо этган бўламиз.

Энди насибадорларнинг ҳаммасини бировни бировига ва мерос тақсимотининг бирон бир кўринишига мувофиқ келганини кўрамиз. Ушбу мувофиқлаштиришнинг самараси ўлароқ, ҳар бир насибадор алоҳида мос бўлимга белгиланди. Ушбу мувофиқлик асосида

масалаларни чиқара оламиз ва барча масалалар шу йўсинда ечимини топади ва буни эслаб қолинг. Аллоҳ энг билгувчидир!

БИР ҚОРИНДАН ТУҒИЛГАН ҚАРИНДОШЛАР ҲАҚИДАГИ ФАСЛ

Улар беш турдир[553]. Улардан биринчиси қизларнинг болалари ва ўғилнинг қизларининг болалари (набиралари). Иккинчиси, меросга ҳақли бўлмаган бобо-лар ва бувилардир. Учинчиси, ота-она бир ёки ота бир опа-сингиллар, она бир ака-укалар ва опа-сингилларнинг болалари ҳамда ака-укаларнинг қизларидир. Тўртинчиси, тоғалар, холалар ва аммаларнинг ҳаммаси, она бир амакилар, амакиларнинг қизлари ва уларнинг болалари. Бешинчиси, ота ва оналарнинг аммалари ва уларнинг тоғалари, холалари, она бир оталарнинг амакилари, оналарнинг барча амакилари ҳамда уларнинг болаларидир.

Уларнинг меросга энг ҳақлироқлари, Абу Ҳанифадан (раҳимаҳуллоҳ) келган ривоятга кўра, бир қориндан туғилганлар тоифасининг биринчиси, сўнг иккинчиси, сўнг учинчиси, сўнг тўртинчиси, сўнг бешинчиси ҳисобланиб, шунга фатво берилган. Абу Ҳанифадан (раҳимаҳуллоҳ) қилинган бошқа бир ривоятда, меросга ҳақли бўлмаган бобо мол-мулк олишга қизнинг авлодидан кўра муносиброқдир. Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) ва Муҳаммад (раҳимаҳуллоҳ) опа-сингилларнинг ўғил-қизлари ва ака-укаларнинг қизлари онанинг отаси бўлмиш меросга ҳақли бўлмаган бободан кўра муносиброқ, деган. Икки олимнинг фикрича, мазкурларнинг ҳар бири ўз боласидан муносиброқ бўлиб, болалари

[553] "Ал-Фароиз ас-Сижовандия"да улар тўрт тур экани зикр қилинади. Унда бешинчи тур йўқ.

эса уларнинг ота-онасидан муносиброқ. Мерос улуши соҳиби ва *асаба*лар бор бўлганда, эр-хотиннинг биттасидан ташқари ҳеч ким мерос ололмайди.

БИРИНЧИ ТОИФА ҲАҚИДАГИ ФАСЛ

Уларнинг меросга энг муносиби яқин қариндошларидир. Агар яқинликда тенг бўлсалар, меросхўрнинг ўғли муносиброқдир. Агар олимлар меросхўрнинг ўғлининг ўғли (набираси) борасида ихтилоф қилсалар, тўғриси шуки, у муносиброқ эмас. Масалан: қизнинг қизи (қиз набира) қизнинг қизининг қизи (қиз чевара)-дан муносиброқ. Чунки у марҳумга яқинроқ. Ўғилнинг қизининг қизи (қиз набираси) қизнинг қизининг қизи (қиз набираси)дан авлороқ. Чунки у меросхўрнинг боласидир. Қизнинг қизининг қизининг қизи (қиз невараси) ва ўғилнинг қизининг қизининг қизи (қиз чеварасн) бўлган ҳолда эса, мерос ҳар икки томоннинг ўртасида бўлиши тўғридир.

Агар аждодлари бир хил бўлса, тақсимот киши бошига қараб бўлади. Абу Юсуфнинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, агар ҳар хил бўлса ҳам шундай. Бу фикр Абу Ҳанифадан (раҳимаҳуллоҳ) бир ривоятга асосланган. Муҳаммад (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, Абу Ҳанифадан (раҳимаҳуллоҳ) келган икки ривоятнинг машҳурроғи бўлиб, унга кўра тақсимот биринчи услубга асосан бўлади. Фарқи шундаки, тармоқлар ҳақини белгилашда қариндошлик асосининг сифати эътиборга олинса, қариндошлик асосини белгилашда тармоқларнинг сони эътиборга олинади. Ота учун қилинган ҳар бир нарса фарзандларга кўчади. Масалан: қизнинг ўғлининг қизи (қиз набираси) ва қизнинг қизининг қизи (қиз набираси) мисолида, Абу Юсуфнинг фикрича, меросхўрларнинг сони эътибор қилингани сабабли, мол икковига

яримдан тақсимланади. Муҳаммад (раҳимаҳуллоҳ) эса, уч бўлакка бўлиниши лозимлигини айтади. Булардан икки улуши қизнинг ўғлининг қизи учун, бир улуши эса қизнинг қизининг қизи учун бўлади. Бу ҳол худди марҳумнинг бир меросхўри ўғил ва иккинчиси қиз бўлганга ўхшагани учун, мол икковларининг орасида уч бўлакка тақсимланади. Натижада ўғилнинг қизига нима тегса, ўғлининг ўғлига ҳам шу нарса тегади. Қизнинг қизига нима тегса, қизнинг ўғлига ҳам шундай тегади.

Қизнинг ўғлининг икки қизи (икки қиз набираси) ва қизнинг қизининг қизи (бир қиз набираси) бўлганда, Абу Юсуфнинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, меросхўрларнинг сонини эътиборга олган ҳолда мол уларнинг орасида уч бўлакка бўлинади. Муҳаммаднинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, қизнинг қизининг қизи учун молнинг бешдан бири, қизнинг ўғлининг икки қизи учун унинг бешдан тўрттаси тегиши лозим. Гўёки инсон ўлганида унинг қизининг икки ўғли ёки қизининг бир қизи қолганида бўлгани каби. Мол уларнинг орасида беш қисмга бўлинади. Натижада меросхўрларнинг бир қиз, қолганига бир ўғил фарзанднинг ҳиссаси, ўғилдан қолган икки қизга эса икки ўғил фарзанднинг ҳиссаси берилади. Бу асл белгилашда тармоқлар сонининг эътиборга олинишига мисолдир. Биринчи услубда тармоқни белгилашда аслнинг сифати эътиборга олинган.

Қизнинг ўғлининг қизи (қиз набираси) ва қизнинг қизининг ўғли (ўғил набираси) бўлгандаги ҳолатда, Абу Юсуфнинг фикрича, молнинг учдан бир қисми қизнинг ўғлининг қизига, учдан икки қисми қизнинг қизининг ўғлига тегиши лозим. Бу меросхўрларнинг зоти эмас, балки сони назарга олингандаги ҳолат.

Муҳаммаднинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, жавоб аксинча бўлади: қизнинг қизининг ўғли учун молнинг

учдан бири, қизнинг ўғлининг қизи учун эса учдан иккисидир. Чунки, у жинсни эмас, балки зотни эътиборга олади. Гарчи бунда *батн*[554] ҳар хил бўлса ҳам.

Абу Юсуфнинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрига кўра эса, батн ҳар хил бўлган ҳолда, жинслар эътиборга олинади.

Муҳаммаднинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрига кўра *батн*лар ҳар хил бўлгандаги биринчи услубда мерос эркак жинсидагилар алоҳида гуруҳга, аёл жинсидагилар алоҳида гуруҳга ажратилган ҳолда тақсимланади. Иккинчи *батн*, учинчи *батн* ва ҳоказо ҳам худди шундай. Масалан: қизнинг қизининг қизи, қизнинг ўғлининг қизи ва қизнинг ўғлининг ўғли шаклидаги ҳолатда, Абу Юсуфнинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, сон эътиборга олинади. Муҳаммаднинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича эса, зот эътиборга олинади. Муҳаммаднинг (раҳимаҳуллоҳ) тақсимотида молнинг бешдан бири қизнинг қизининг қизига тегади. Беш бўлакнинг тўрттасининг учдан иккиси қизнинг ўғлининг ўғлига бўлади. Беш бўлакнинг тўрттасининг учдан бири қизнинг ўғлининг қизига берилади. Агар улар билан бирга қизнинг қизининг ўғли шакли бўлса ҳам тақсимот шу каби.

Муҳаммаднинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, қизнинг ўғлининг қизи учун учдан иккининг учдан бири, қизнинг ўғлининг ўғли учун эса, учдан иккининг икки қисми, учдан бирнинг учдан бири эса қизнинг қизининг қизи учун, учдан бирнинг учдан иккиси қизнинг қизининг ўғли учун бўлади. Шунингдек, қизларда ҳам шу хилда бўлинади.

Қариндошлик икки томондан бўлгандаги ҳолатга нисбатан Абу Ҳанифа ва Муҳаммад (раҳимаҳуллоҳ) бундай дейдилар: "Бир қориндан туғишганларнинг қай

---

[554] بطن *батн* (араб.), луғавий маъноси: қорин. Мерос илми истилоҳида мерос тақсимоти вақтида марҳум ва унинг меросхўрларининг кетма-кетлигини ифодалаш маъносида ишлатилади. Таржимада бундан кейин истилоҳдан фойдаланамиз.

бирининг қариндошлиги икки томондан бўлса, у ҳар икки томондан мерос олади". Бу Абу Юсуфдан (раҳимаҳуллоҳ) келтирилган бир ривоятда шундай. Бошқа бир ривоятда, унинг фикрича, икки тарафдан қариндош бўлганлар, икки томондан бўлган бувилар каби фақат бир томондангина мерос олади.

Масалан, қизнинг ўғлининг ўғли ва у (айни пайтда) қизнинг қизининг ўғли ва қизнинг қизининг қизи бўлиб, унинг сурати шуки, бир кимсанинг икки қизи бор. Улардан иккови ҳам ўлиб, биттасидан бир ўғил, бошқасидан эса бир қиз қолди. Икки опа-сингилнинг ўғил–қиз фарзандлари ўзаро турмуш қуришди.Улардан бир ўғил фарзанд туғилди. Сўнг бу қизни бошқа киши никоҳига олди ва ундан ҳам бир қиз туғилди. Биринчи туғилган ўғил бир томондан қизнинг ўғлининг ўғли, иккинчи томондан эса қизнинг қизининг ўғлидир. Иккинчи никоҳдан туғилган қиз эса, қизнинг қизининг қизи ҳисобланади ҳатто агар иккала эр-хотин вафот этса ҳам.

Бобо ўлгандаги мисолда, Абу Юсуфнинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, бир ривоятда икки меросхўрнинг орасида мол беш бўлакка бўлинади. Молнинг бешдан бири қизнинг қизининг қизи учун, бешдан тўрттаси эса икки томондан қариндош бўлган меросхўргадир.

Абу Юсуфдан (раҳимаҳуллоҳ) келган яна бир ривоятда эса мол икковлари орасида уч бўлакка тақсимланади. Икки улуш икки томонлама қариндош бўлган меросхўрга тегади, чунки у эркак меросхўр ўрнида ҳисобланади. Бир улуш эса қизнинг қизининг қизига берилади. Муҳаммаднинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрига кўра, мерос мулкининг олтидан бири қизнинг қизининг қизига, олтидан бештаси эса икки томонлама қариндош меросхўрга берилади. Тўғрисини Аллоҳ билгувчироқ.

ИККИНЧИ ТОИФА ҲАҚИДАГИ ФАСЛ

Иккинчи тоифага меросга ҳақли бўлмаган боболар ва бувилар киради.[555] Уларнинг мерос олишга ҳақлироғи марҳумга энг яқин бўлганидир. Агар қариндошликда тенг бўлсалар, баъзиларнинг фикрича, меросхўрга яқинроқ бўлган кимса ҳақлироқдир. Бошқалар уларни ажратмайдилар. Агар қариндошликда баробар бўлсалар ва уларнинг ичида меросхўрга яқинроғи бўлмаса, унда қуйидагиларга қаралади, яъни агар бир тарафдан – ота ёки она томондан қариндош бўлсалар, яқинликлари сифати мос келса, тақсимот улар сонига қараб бўлади. Натижада тақсимот меросхўрлар фақат эркак ёки фақат аёллар бўлса, уларнинг ҳар бирига бир хил миқдорда бўлади. Агар эркак ва аёл аралаш бўлса, эркак учун икки аёлнинг улуши миқдорида ажратилади. Марҳумга яқинроқ бўлган кимсаларнинг сифатлари ҳар хил бўлса, марҳумга энг яқин батн (қариндош) дан бошлаб мерос биринчи тоифадагига ўхшаб турлича тақсимланади.

Агар икки томондан бўлсалар, отанинг қариндоши учун учдан икки, онанинг қариндоши учун эса учдан бир улуш белгиланади. Кейин ҳар бир гуруҳга ажратилган нарса улар орасида худди ёлғиз бўлган ҳолларидаги каби тақсимланади. Мисол учун, отанинг отасининг онасининг отаси ва отанинг онасининг отасининг отаси ота томондан бўлган икки бободир. Онанинг отасининг онасининг отаси ва онанинг онасининг отасининг

---

[555] Матнда الجدود الفاسدون والجدات الفاسدات – араб. Луғавий маънода ҳақиқий бўлмаган бобо ва бувилар. Мерос илмида мерос қолдирувчининг бошқа меросхўрлари бор бўлган пайтда мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмаган бобо ва бувилари деган маънода. Бобо ва бувиларнинг фосидлиги, яъни, меросга ҳақли бўлмаслиги уларнинг марҳумга қайси томондан бобо ва буви экани нуқтаи назаридан белгиланади. Бошқа меросхўрлар бўлмаган ҳолда, бундай бобо ва бувилар мерос олишга ҳақли ҳисобланади.

отаси эса она томондан бўлган икки бободир. Бу ҳолда мол аввало уч бўлакка тақсимланади ва учдан иккиси отанинг қариндошига, учдан бири эса онанинг қариндошига ажратилади. Отанинг қариндошига теккан улуш уч бўлакка тақсимланади ва учдан иккиси ота томондан бўлган бобо учун, яъни, отанинг отасининг онасининг отасига, учдан бири эса онаси томондан бўлган бобо учун, яъни, отанинг онасининг отасининг отасига ажратилади. Онанинг қариндошига теккан улуш ҳам шунга ўхшаш: учдан иккиси ота томондан бобосига, яъни, онанинг отасининг онасининг отасига, учдан бири эса онаси томондан бобосига, яъни, онанинг онасининг отасининг отасига тегади.

Бу мисол "марҳумга меросхўр сифатида яқинроқ бўлиш эътиборга олинмайди", дегувчиларнинг фикрига жавобдир. Аммо марҳумга меросхўр сифатида яқинроқ бўлишни эътиборга олувчилар фикрича, молнинг ҳаммаси, аввало, мазкур бобога, яъни отанинг отасининг онасининг отасига тегади. Аллоҳ энг билгувчидир!

УЧИНЧИ ТОИФА ҲАҚИДАГИ ФАСЛ

Бу ерда гап бир ота ва онадан бўлган ака-укаларнинг қизлари ва опа-сингилларнинг ўғиллари ҳақида бўлади. Мазкурларнинг меросга ҳақлироғи марҳумга энг яқин бўлганидир. Яқинликда баробар бўлган ҳолларида эса, меросхўрнинг боласи бўлган кимса ҳақлироқдир. Агар уларнинг зотлари бир-бирига тўғри келса, тақсимот уларнинг сонига асосан бўлади. Агар зотлари бир-бирига тўғри келмаса, биринчи тоифада ўтганидек тақсимотда фарқ қилади. Масалан, мерос олишга опа (ёки сингил)нинг қизи, опа (ёки сингил)нинг қизининг қизидан кўра ҳақлироқдир. Чунки у мерос қолдирувчига яқинроқ. Ака (ёки ука)нинг ўғлининг қизи эса ака (ёки ука)

нинг қизининг қизидан ҳақлироқ. Чунки, у меросхўрнинг боласи, яъни, опа (ёки сингил)нинг қизи ва опа (ёки сингил)нинг ўғлидир. Демак, иккови орасида мол бир эркак учун икки аёлнинг улуши миқдори тартибида тақсимланади.

Опа (ёки сингил)нинг ўғлининг қизи, ака (ёки ука) нинг қизининг ўғли ва ака (ёки ука)нинг қизининг қизи ҳақида гап кетганда, Абу Юсуфнинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, меросхўрларнинг сони эътиборга олинади. Муҳаммаднинг (раҳимаҳуллоҳ) тақсимоти бўйича, молнинг бешдан бири опа (ёки сингил)нинг ўғлининг қизи учун, беш бўлакнинг тўрттасининг учдан иккиси эса ака (ёки ука)нинг қизининг ўғлига, беш бўлакнинг тўрттасининг учдан бири эса ака (ёки ука)нинг қизининг қизига тегади.

Ота-она бир бўлган опа (ёки сингил)нинг ўғли ва ота-она бир бўлган ака ёки (ука)нинг қизи ҳақидаги ҳолатда Абу Юсуфнинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, зот эмас, балки меросхўрлари сони эътиборга олинади. Шу боисдан унинг тақсимоти бўйича, молнинг учдан бири ота-она бир бўлган ака (ёки ука)нинг қизига, унинг учдан иккиси эса ота-она бир опа (ёки сингил)нинг ўғлига тегади. Муҳаммад (раҳимаҳуллоҳ) эса меросхўрлар сони эмас, балки зотни эътиборга олади. Натижада, унинг фикрича, молнинг учдан бири ота-она бир опа (ёки сингил)нинг ўғлига, учдан иккиси эса ота-она бир ака (ёки ука)нинг қизига тегади.

Ота бир опа-сингилнинг ўғиллари ва ака-уканинг қизлари ҳақидаги ҳолатга келсак, бу ҳолатнинг ечими уларнинг, яъни, ота-оналар йўқ бўлган биринчи гуруҳдаги ҳолат бўйича тақсимотга ўхшайди. Она бир ака-укалар ва опа-сингилларнинг ўғиллари ҳақидаги гапга келсак, уларнинг ичида энг ҳақлироғи қариндошликда яқинроғидир. Бу тақсимотда эркак аёлдан ор-

тиқ ҳисобланмайди. Фақат Абу Юсуфдан (раҳимаҳуллоҳ) келган нодир бир ривоятдаги ечимгина бундан мустасно. Унинг мисоли, она бир ака (ёки ука)нинг қизи ва она бир опа (ёки сингил)нинг ўғли бўлгандаги ҳолатда, ҳар икки олимнинг фикрича, мерос ҳар иккисининг орасида бир зотдан бўлган меросхўрларга ўхшаб тенг икки яримга бўлинади. Абу Юсуфнинг (раҳимаҳуллоҳ) мазкур нодир ривоятига кўра, меросхўрларнинг зотлари эътиборга олинмасдан, мерос уч бўлакка бўлинади.

Қачон ҳар хил опа-сингилларнинг уч ўғли ёки ҳар хил ака-укаларнинг учта қизи жамланса, қариндошлик ва даражада ҳам баробар бўлсалар, Абу Юсуфнинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, ва Абу Ҳанифадан (раҳимаҳуллоҳ) ҳам шундай ривоят келган, уларнинг зотлари эътиборга олинади. Масалан, ота-она бир опа (ёки сингил)нинг қизи, ота бир опа (ёки сингил)нинг қизи ва она бир опа (ёки сингил)нинг қизи бўлганда, Абу Юсуфнинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича молнинг ҳаммаси ота-она бир опа (ёки сингил)нинг қизига тегади. Муҳаммаднинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрига кўра молнинг бешдан бири она бир опа (ёки сингил)нинг қизига, яна бешдан бири эса ота бир опа (ёки сингил)нинг қизига, беш бўлакнинг қолган учтаси эса ота-она бир опа (ёки сингил)нинг қизига берилади.

Ота-она бир ака (ёки ука)нинг қизи ва она бир ака (ёки ука)нинг қизи бўлганда, Абу Юсуфнинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича молнинг ҳаммаси ота-она бир ака (ёки ука)нинг қизига тегади.

Муҳаммаднинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрига кўра эса молнинг олтидан бири она бир ака (ёки ука)нинг қизига, қолгани ота-она бир ака (ёки ука)нинг қизига тегади. Қачон ҳар хил опа-сингилларнинг учта қизи ва ҳар хил ака-укаларнинг учта қизи жам бўлсалар, Абу Юсуфнинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, молнинг ҳаммаси ота-о-

на бир ака (ёки ука)нинг қизи билан ота-она бир опа (ёки сингил)нинг қизи орасида тенг иккига бўлинади. Муҳаммаднинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрига кўра эса, молнинг учдан бири она бир ака (ёки ука)нинг қизи ва опа (ёки сингил)нинг қизи орасида тенг иккига бўлинади. Молнинг учдан иккиси эса ота-она бир ака (ёки ука)-нинг қизи ва ота-она бир опа (ёки сингил)нинг қизи ўртасида зотларда бўлгани каби учдан бирлик тақсимоти бўйича бажарилади.

Шунингдек, қариндошликлари икки тарафдан бўлган ака-укалар ва опа-сингилларнинг улушлари ҳам, биринчи тоифадаги каби, бир-биридан фарқ қилади. Масалан, она бир ака (ёки ука)нинг ўғли, у айни пайтда ота бир опа (ёки сингил)нинг ўғли ҳамдир ва ота-онаси бир опа (ёки сингил)нинг қизи бўлганда, Абу Юсуфнинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, молнинг ҳаммаси ота-она бир опа (ёки сингил)нинг қизига тегади. Муҳаммаднинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрига кўра эса молнинг ҳаммаси беш бўлакка тақсимланади ва бешдан учтаси ота-онаси бир опа (ёки сингил)нинг қизига, бешдан иккиси эса она бир ака (ёки ука)нинг ўғлига тегади. У айни пайтда ота бир опа-сингилнинг ўғли ҳамдир.

ТЎРТИНЧИ ТОИФА ҲАҚИДАГИ ФАСЛ

Бу тоифага мансуб бўлганлар она бир амакиларнинг авлодлари ва уларнинг маъносидаги инсонлардир. Ота-онаси бир бўлган кимса ота бир бўлган кимсадан, ота бир бўлган кимса эса она бир бўлган кимсадан ҳақлироқдир. Масалан, ота-она бир амма ота бир аммадан, отанинг аммаси, онанинг аммасидан ҳақлироқдир. Ота-она бир хола ота бир холадан, ота бир тоға она бир тоғадан ҳақлироқдир. Меросхўрларнинг бу услубдаги фарқланиши улар бир жинсдан (яъни ота-она бир)

бўлган ҳолатдагина эътиборга олинади, икки жинсдан (яъни ота-она бир эмас) бўлган ҳолатда эса эътиборга олинмайди. Фақат Абу Юсуфдан (раҳимаҳуллоҳ) келган нодир бир ривоят бундан мустасно.

Мисол учун, ота-она бир амма ва ота бир хола меросхўр бўлган ҳолатда, мол икковининг орасида уч бўлакка бўлинади. Учдан иккиси аммага, учдан бири эса холага тегади.

Бироқ мазкур нодир ривоятда, Абу Юсуфнинг фикрича молнинг ҳаммаси аммага тегади.

Қачон аммалар, тоға ва холалар барчалари меросхўр бўлсалар, мероснинг учдан иккиси аммалар орасида тенг бўлинади, учдан бири эса тоға ва холалар ўртасида эркакка икки аёлнинг улуши миқдорида тартиби бўйича тақсимланади.

Буларнинг ўғиллари ва амакиларнинг қизлари ҳақидаги гапга келсак, агар улар қариндошликда тенг бўлсалар, уларнинг энг яқин қариндош бўлганлари ҳақлироқ ҳисобланадилар. Бир ота-онанинг фарзанди бўлган авлод ота бир бўлган авлоддан ҳақлироқ. Ота бир бўлган фарзанд она бир бўлган фарзанддан ҳақлироқдир.

Меросхўрнинг боласи ҳақлироқ. Агар икки меросхўрдан бири меросхўрнинг боласи бўлиб, бир томондан қариндошлиги бўлса, иккинчиси эса бир қориндан туғишган бўлиб, икки томондан қариндошлиги бўлса, меросга қай бири ҳақли экани борасида олимлар турли фикр билдирганлар. Бу ҳолда масаланинг ечимининг тўғриси шуки, икки тарафлама қариндош бўлгани ҳақлироқдир. Масалан, ота бир амакининг ўғлининг қизи билан ота-она бир амманинг ўғлининг ўғли ўртасида меросга иккинчиси ҳақлироқ ҳисобланади.

БЕШИНЧИ ТОИФА ҲАҚИДАГИ ФАСЛ

Бу тоифага мансублар ота-онанинг қариндошлари бўлиб, уларнинг меросга ҳақлироғи қариндошликда энг яқинларидир. Масалан, отанинг аммаси бобонинг аммасидан ҳақлироқ. Чунки у яқинроқ. Агар меросхўрлар орасида отанинг ва онанинг икки қариндоши жам бўлиб қолса, отанинг икки қариндошига мероснинг учдан икки қисми, онанинг икки қариндошига эса учдан бир қисми тегади. Отанинг икки қариндошига теккан нарса улар орасида уч бўлакка тақсимланади. Унинг учдан иккиси ота томондан бўлган қариндошига, учдан бири эса она томондан бўлган қариндошига тегади. Онанинг икки қариндошига теккан нарса хусусида ҳам ҳолат шунга ўхшаш бўлиб, унинг учдан иккиси отаси томондан бўлган қариндошига, учдан бири эса онаси томондан бўлганига берилади. Масалан, отанинг аммаси ва холаси ҳамда онанинг аммаси ва холаси бўлганда, уларнинг болалари хусусидаги ечим қизларнинг авлодлари ва опа-сингилларининг авлодлари хусусидаги ечим кабидир. Шу жумладан, бир хиллик ва ҳар хиллик жиҳатлари нуқтаи назаридан ҳам.

КИТОБНИНГ ҚЎШИМЧАЛАРИ ҲАҚИДАГИ ФАСЛ

Зикр қилганимиздек, *вало* икки турга бўлинади. Биринчиси *вала алатоқа* (қулни озод қилиш натижасида қул ва уни озод қилган одам ўртасидаги меросхўрлик муносабати), иккинчиси *вало алмувалот* (икки кишинининг ўзаро шартнома асосида бир-биридан мерос олиш ҳақида келишиб олиши воситасида вужудга келган меросхўрлик муносабати). Қулни озод қилиш сабабидан меросхўр бўлган деб, бирор қулни озод қилган ёки

вафот туфайли озод бўлиши шарт қилинган қулнинг хожаси, қарзининг учдан бирини тўлаб қўйган қулнинг ҳожаси, чўрисидан фарзандли бўлган хожа, қарзидан мутлақо қутулган *мукотаб* қулнинг ҳожаси, қариндоши томонидан сотиб олингани боис озод бўлган қулнинг хожаси каби меросхўрларга айтилади. Демак, бу инсон унинг меросхўри бўлиб қолади ва вафот қилса, ундан мерос олади. Озод бўлган қул эса, хожадан мерос олмайди. Агар уларни хожаси вало бўлишини шарт қилмай озод қилса, шарт бекор бўлиб, вало кучда қолаверади.

Меросхўрлик ҳуқуқи бировга мерос сифатида ўтолмайди. Озод қилувчининг энг яқин *асаба*сига ўтиши мумкин. Унинг мисоли, ўғил ва қиз меросхўри бўлган озод қилувчи вафот қилса, шунда меросхўрликнинг ҳаммаси ўғилга ўтади. Агар ўғил ва ота меросхўри бўлган озод қилувчи вафот қилса, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ва Муҳаммаднинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрига кўра, меросхўрликнинг ҳаммаси ўғилга ўтади. Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) меросхўрликнинг олтидан бири отага, қолгани ўғилга ўтади, деган. Агар бобо ва ака-ука қолса, унда Абу Ҳанифанинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, меросхўрликнинг ҳаммаси бобога ўтади. Икки олим (Абу Юсуф ва Муҳаммад)нинг фикрига кўра эса, меросхўрлик икковининг орасида тенг яримдан бўлади. Шофиъийнинг (раҳимаҳуллоҳ) энг тўғри фикрича, меросхўрликнинг ҳаммаси ака ёки укага ўтади.

Озод қилинган ҳар бир қул мулк эгасининг унга сарфлаган маблағи миқдорида озод бўлади. Хожасининг унга вало экани ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди. Масалан, бир киши ўзининг чўрисини бошқасининг қулига никоҳлаб берди. Сўнг чўрисини озод қилди. Чўри олти ойдан камроқ вақтда фарзанд кўрди. Сўнг қул ҳам ўз эгаси томонидан озод қилинди. Озод бўлган қул болага

меросхўрлик даъвосини қилолмайди. Чунки бола онанинг озод қилувчисининг мулки бўлиб турган пайтда озод бўлган. Агар бола тўла олти ой ёки ундан зиёд муддатда туғилган бўлиб, сўнг қул озод қилинган бўлганда, ўзи учун болага меросхўрликни даъво қила оларди.

Аёллар учун меросхўрлик йўқ, фақат агар ўзлари бирон қулни озод қилсалар ёки улар озод қилган қул бошқа бировни озод қилса, ё бўлмаса, шартнома билан озод қилсалар (*мукотаб*) ёки улар шартнома билан озод қилганлар бошқа бировни шартнома билан озод қилса, вафотдан кейин озод бўлиши шарти билан озод қилган бўлсалар (*мудаббар*), вафотдан кейин озод бўлиши шарти билан озод бўлганлар эса бошқа бировни вафотдан кейин озод бўлиши шарти билан озод қилсалар ёки ўзлари озод қилган қулнинг меросхўрлиги уларга ўтган ҳолатлардагина аёлларга меросхўрлик бор бўлади.

Вало алмувалот хилидаги меросхўрлик муносабатига келсак, у насаби номаълум бўлган шахс билан бўлади. Қачон биров бошқасига: “Сен менинг меросхўримсан, мен ўлсам, мендан мерос оласан, қачон мен жиноят қилсам, мен учун жарима тўлайсан”, деса ва бошқаси “қабул қилдим” деган ҳолда, бизнингча, бундай муносабат тўғри бўлади. Шу тариқа, қабул қилувчи унинг меросхўри бўлиб қолади. Ўлса, ундан мерос олади, жиноят қилса, унинг учун жарима тўлайди. Агар икки томондан шарт қўйилса, муносабат икки томонлама шарт асосида бўлади. Ушбу келишувга унинг кичик болалари ва ундан сўнг туғилганлари ҳам киради. Шунингдек, аёл ҳам бундай шахс билан ўзаро меросхўрлик битимини тузиши мумкин ва Абу Ҳанифанинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, бу битим тўғри ҳисобланади. Битим тузувчи шартномани қабул қилувчи унинг учун жарима тўлаш ҳолати вужудга келмасдан олдин, қабул қилувчи эса меросхўр бўлмасдан аввал битимни бекор қилиши мумкин.

Икки кишининининг ўзаро шартнома асосида бир-биридан мерос олиш ҳақида келишиб олиш воситасида вужудга келган меросхўрлик муносабатига кирувчилар меросхўрликда бир қориндан туғишганлардан кейинги ўринда, давлат хазинасига ажратилишидан эса, олдинги ўринда турадилар. Эр-хотиндан биттаси билан бирга мерос олади.

Тутқинлик меросдан маҳрум қилувчи сабаблардан ҳисобланади. У қул билан бўлгани каби тўла ёки эгаси ўлимидан сўнг озод бўлишга келишилган қул (*мудаббар*), хожасидан фарзанд кўрган чўри ва озод бўлишга шартномаси бор қул (*мукотаб*)да бўлгани каби нуқсонли бўлиши мумкин.

Озод бўлишга шартнома тузилган қул (шартномада кўрсатилган шартларни бажаришга) ожиз ҳолда ўлса, у қуллигача қолади. Агар шартнома шартларини бажариш жараёнида ёки шартномада кўрсатилган туғиш пайтида ўлса, унинг *мукотаб*лиги адо бўлган ҳисобланади. У ҳаётининг энг сўнгги вақтида озод бўлганликка ҳукм қилинади. Натижада унинг озод инсон ҳолида ўлгани аён бўлади.

Ҳаракат қилувчи қул озод қарздор кимса мақомида бўлади. Бу икки олим (Абу Юсуф ва Муҳаммад)нинг фикрларича. Абу Ҳанифанинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрига кўра эса, унинг зиммасида бир дирҳам қолган бўлса ҳам, у қулдир. Бу ҳолат агар у қисман озод бўлган қул каби ўзини қулликдан халос қилиш учун ҳаракат қилаётган бўлса. Аммо гаровга қўйилган қул каби ўз гарданидаги ҳақ учун ҳаракат қилса, агар гаровга олган уни озод қилса, у озод инсонлар мақомида бўлиб, мерос олади ва мерос қолдиради ҳам.

Ўлдириш меросдан маҳрум қилиниш сабабларидандир. Қасос ёки *каффорат*ни келтириб чиқарадиган ҳар қандай қотиллик мерос ҳуқуқидан ман қилади. Қасос

ва *каффорат*ни келтириб чиқармайдиган ҳар қандай қотиллик эса, мерос олишни ман қилмайди.

Қасосни лозим қиладиган қотиллик мерос берувчисини қасддан темир ёки унга ўхшаш нарса билан ўлдиришдир. *Каффорат* лозим бўладиганига келсак, у тасодифан, хато қилиб ўлдириб қўйишдир. Масалан, миниб кетаётган улови билан босиб кетиш, уйқуда мерос берувчисининг устига ағдарилиб кетиб уни ўлдириб қўйиш, мерос қолдирувчининг устига томдан йиқилиб тушиб ўлдириб қўйиш, қўлидаги тош унинг устига тушиб кетиб ўлдириш буларнинг ҳаммаси тасодифий ўлдиришдир. Бундай ҳолатларда *каффорат* лозим бўлади. Агар меросхўр бўлса, меросдан маҳрумликни ва агар бегона бўлса, васият бўйича мерос олишдан маҳрумликни келтириб чиқаради.

Қасос ва *каффорат*ни тақозо қилмайдиган ўлдиришга келсак, у ёш бола, жинни ёки улардан бошқалар томонидан мерос берувчисини бирор сабаб билан ўлдириб қўйишдир. Чунончи, йўл ўртасига чиқариб қурилган бостирма мерос қолдирувчисининг устига тушиб кетиб, у ўлиб қолса, йўл ўртасига қудуқ қазиганида, унга мерос қолдирувчиси йиқилиб ўлса, кўча ўртасига тош ташлаб қўйилган бўлиб, мерос қолдирувчи унга қоқилиб ўлса, сув сепса, ё сийса, ё таҳорат олганда хўл бўлиб, унга мерос қолдирувчи сирғаниб кетиб ўлса, уловини ҳайдаса ёки етаклаб кетаётганда, у бориб мерос қолдирувчисини босиб кетганида ўлса, уни қасос учун ўлдирса, тошбўрон қилиб ўлдирса, унинг ўлдиришидан ҳимояланиб ўлдирса, биров томонидан мажбурланиб ўлдирса, оғиб турганини билиб туриб, унинг огоҳлантирмагани сабабидан мерос қолдирувчиси устига девор йиқилганидан ўлса, мерос қолдирувчиси унинг уйида ўлдирилган ҳолда топилса, бундай ҳолатларда меросхўр ўзининг қариндошлари томонидан йиғиб бе-

риладиган товон ва хунпулини тўлаши лозим бўлади. Аммо мерос олишдан маҳрум бўлмайди.

Худди шунингдек, адолатли инсон исёнкорни ўлдирса, у эса, унинг мерос қолдирувчиси бўлса, бундай ўринларда, гарчи тўғридан тўғри ўлдирган бўлса ҳам, бу инсоннинг мерос ҳуқуқи ман қилинмайди. Чунки бу ҳолат қасос ва *каффорат*ни тақозо қилмайди. Бироқ исёнкор кимса мерос қолдирувчиси бўлган адолатли кишини ўлдирса, бу ҳолат бўйича икки хил фикр бор. Агар "Мен уни ноҳақ ўлдирдим. Ҳозир ҳам ноҳақман" деса, ижмоъ билан у мерос ололмайди. Агар "Мен ҳақ бўлганим ҳолда уни ўлдирдим. Ҳозир ҳам ҳақман!" деса, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ва Муҳаммаднинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, у мерос олади. Чунки у қасос ва *каффорат*ни лозим қилмайдиган ўлдиришдир. Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) фикрига кўра эса, у мерос ололмайди. Чунки бу ноҳақ ўлдиришдир.

Ўғил ўз отасини қасддан ёки хато қилиб ўлдирса, меросхўр бўлолмайди. Чунки қасддан ўлдирганда қасос, хато туфайли ўлдирганда эса, *каффорат* лозим бўлади. Шунингдек, ота ҳам ўз ўғлини хато қилиб ўлдириб қўйса, меросхўр бўлолмайди. Бу ҳукм мураккаблик туғдирмайди. Чунки *каффорат* ўз ўғлини хато қилиб ўлдириб қўйгани сабабли отасига вожиб бўлади. Бироқ уни қасддан ўлдирса, меросдан маҳрумликни ҳам келтириб чиқаради. Гарчи қасос ҳам, *каффорат* ҳам лозим бўлмасада. Биз зикр қилган асл ҳолатда эса, кўриниш мураккаб шаклда бўларди. Бу ерда биз фақат қасос вожиб бўлишини айтиб ўтамиз холос. Бироқ у оталик ҳурмати сабабли тушиб қолади.

Ота ўз ўғлига ўғрилик ёки бошқа айб сабабли адаб бераётганда жазолашда меъёридан ошириб юборгани боис ўғил ўлиб қолса, отанинг меросхўрликдан маҳрумлиги келиб чиқади. Абу Юсуфнинг (раҳимаҳул-

лоҳ) фикрича, муаллим ўзининг мерос қолдирувчиси бўлган бирор инсоннинг боласига адаб бераётганда бола ўлиб қолса, бу ҳолат меросдан маҳрумликни келтириб чиқармайди. Шунингдек, агар ота ўғлини хатна қилаётиб, йўғон ичагини юваётиб, қон олаётиб эҳтиёт бўлганига қарамасдан, бола ўлиб қолгандаги ҳолат ва яна эр хотинининг тўшакда унга итоат қилмагани сабабли таъзир берганда ўлиб қолгандаги ҳолат меросдан маҳрумликни келтириб чиқаради.

Бизнингча, кофирларнинг барчаси бир тоифа. Улар бир-биридан мерос оладилар. Масалан, насроний яҳудийдан мерос олади, яҳудий мажусийдан мерос олади. Фақат агар уларнинг диёрлари ҳар хил, бир-биридан ажралган бўлса ололмайди. Масалан, насроний вафот этса ва унинг бир ўғли Румда, яна бир ўғли Ҳиндда бўлса, улардан ҳеч бири мерос ололмайди. Агар мусулмон ўлса-ю, унинг бир мусулмон ўғли Ҳиндда бўлса, албатта у мерос олади.

Чунки бу ҳолда ўлка ҳукм жиҳатдан турлича ҳисобланмайди. Ислом динидан қайтган эркак ва шунингдек аёл ҳам бировдан мерос ололмайди. Мусулмон ундан мерос ололадими? Абу Ҳанифанинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, агар мулкини Ислом динидан қайтган ҳолида орттирган бўлса, давлат мулкига олинган ўлжа бўлади. Агар мусулмонлик ҳолатида орттирган бўлса, унинг бу мулки мусулмон меросхўрларига тегади. Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) ва Муҳаммад (раҳимаҳуллоҳ) ҳар икки ҳолатда орттирилган мулк меросхўр мусулмонларга тегишини айтган. Шофиъий (раҳимаҳуллоҳ) эса, ҳар икки ҳолатда орттирилган мулкнинг барчаси ўлжа ҳисобланади, деган. Агар Ислом динидан воз кечган одам мусулмон бўлмаган ўлкага кетиб қолса, қози унинг молини у ўлган каби, меросхўрлари орасида тақсимлаб беради.

Мажусийлар насаб, меросхўрлик, Исломда тасдиқланган никоҳлари сабабли мерос оладилар. Улар ора-

сидаги насаб бузуқ никоҳлар асосида ҳам белгиланаверади.

Бир киши марҳумга икки насабдан қариндош бўлса, улардан бири она бир ака (ёки ука) бўлса, унга меросхўрлик ҳукми билан олтидан бир мерос тегади, мулкнинг қолгани эса, *асаба*лик ҳукми билан икковининг орасида тақсимланади. Чунки қариндошлигининг бир тарафи бошқа тарафини тўсиб қолишига олиб келмайди. Шунинг учун ҳар икковидан мерос олади. Агар тўсиб қолганда, тўсувчи сабабли мерос оларди. Масалан, амакисининг икки ўғли қолса, улардан бири она бир ака (ёки ука) бўлса, унга мерос ҳукми билан мулкнинг олтидан бири тегади. Қолгани эса, *асаба* ҳукми билан икковининг орасида тақсимланади. Чунки қариндошлигининг бир тарафи бошқа тарафни тўсиб қолмайди, иккови ҳам мерос олади.

Агар холасининг икки қизи меросхўр бўлса ва улардан бири ота бир опа (ёки сингил) бўлса, молнинг ҳаммаси мерос ва қайтарилиш ҳукми билан унга тегади. Чунки унинг икки тарафдан қариндошлигининг биттаси бошқасини тўсади. Натижада тўсувчи (омил мавжудлиги) сабабли у мерос олади.

Меросдан тўсилган киши ўзидан бошқани ҳам тўсади. Бу ҳолат ўлган кимсанинг ота-онаси ва икки ака (ёки ука)си бўлиб, ака-укалар, гарчи мерос ололмасалар ҳам, онани учдан бирдан олтидан бирга қайтаришлари ҳолатига ўхшайди. Чунки у иккиси ота сабабли, меросдан тўсилгандир. Меросдан маҳрум бўлган инсон қотиллик, қуллик ёки бошқа динда бўлгани сабабли меросдан маҳрум бўлганлар каби бошқаларни на бутунлай ва на нуқсонли тўсади. Фақат Абдуллоҳ ибн Масъуд[556] (розияллоҳу анҳу) фикрича,

[556] Абдуллоҳ ибн Масъуд (593-653) – илк мусулмон бўлган маккалик машҳур саҳобалардан бири. Олимлиги билан танилган.

бундай эмас. У ан-Нахаъий[557] (раҳимаҳуллоҳ) таъкидлаганидек, маҳрум бўлган киши (бошқаларни меросдан) тўла тўсмайди, лекин нуқсонли тўсади деган ҳукмга фатво берган. Ибн Масъуднинг фикрича, масала шу аслга биноан ўттиз бирга *авл* қилинади. Шунда масаланинг кўриниши қуйидагича бўлади: хотин, она, она бир ака-укалар, ота-она бир опа-сингиллар, ҳамда меросдан маҳрум қилувчи сабаблардан бири билан меросдан маҳрум қилинган ўғил. Кўпчилик саҳобаларнинг (розияллоҳу анҳу) фикрича, ушбу масаланинг асли ўн икки бўлса-да, ўн еттига *авл* бўлади. Чунки уларнинг тақсимида хотиннинг мерос улуши тўртдан бирдир. Зотан, ўғилнинг меросдан маҳрум бўлиши хотиннинг ҳақини камайтира олмайди. Ибн Масъуднинг (розияллоҳу анҳу) фикрича, масаланинг асли йигирма тўртдир. Шунинг учун унинг фикрича, хотиннинг меросдан улуши саккиздан бирдир. Чунки бу ҳолда меросдан маҳрум ўғил унинг ҳақини камайтиради. Натижада масала ўттиз бирга *авл* бўлади.

Бедарак йўқолганлар мерос олмайдилар ва мерослари тақсимланмайди ҳам. Токи уларнинг ўлими ҳужжат билан тасдиқланмагунча ёки уларнинг бундан кўпроқ яшамаслиги аниқ бўлган муддат ўтмагунча шу қоидага риоя қилинади. Абу Ҳанифадан (раҳимаҳуллоҳ) ал-Ҳасан ибн Зиёд[558]нинг (раҳимаҳуллоҳ) қилган ривоятига кўра, бу муддат инсоннинг туғилган вақтидан бошлаб бир юз йигирма йил деб белгиланган. Абу Юсуфнинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича эса, юз йил. Баъзилар бу муддатни тўқсон, айримлар етмиш йил деб белгилаган. Бу масала қозининг фикрига ҳавола қилинади, деган

---

[557] Иброҳим ибн Язид ибн Қайс ан-Нахаъий (666-815) – машҳур тобеъинлардан бири. Куфалик фақиҳ, ҳадис ривоятида ҳам ишончли инсон бўлган.

[558] Ал-Ҳасан ибн Зиёд ал-Луълуъий ал-Куфий (ваф. 819) – Абу Ҳанифанинг тўртинчи шогирди. Куфада бир муддат қози бўлган. Унинг "Адаб ал-қози", "Маъоний ал-имон", "Китоб ал-фароиз", "ал-Амолий" каби асарлари бор.

олимлар ҳам бор. Ушбу муддат ўтгач, меросхўрлардан тирик бўлганлари мерос олаверадилар. Муддат ўтишидан олдин вафот этган кимса мерос олмайди. Агар мерос қолдирувчи бедарак кетган вақтида унинг меросхўри ўлиб кетган бўлса, ундан бошқалар, агар уларни меросхўрликдан тўсувчи сабаблар бўлмаса, меросхўр бўладилар. Бироқ бундай меросхўрларга уларнинг меросга бўлган ҳақлари нуқсонли бўлгани учун икки улушдан ками берилади ва қолгани тўхтатиб қўйилади. Агар уларни меросдан тўсадиган сабаблар бўлса, асло берилмайди. Абу Ҳанифанинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, ҳомила учун тўрт ўғилнинг насибаси миқдорида мерос улуш тўхтатиб турилади. Муҳаммаднинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича эса, икки ўғилнинг насибаси миқдорида мерос улуши ушлаб турилади. Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) бир ривоятда Муҳаммаднинг фикрига қўшилган. Яна бошқа бир ривоятда битта ўғилнинг мерос улуши тўхтатиб турилади деган. Фатво охирги фикрга асосан берилган. Агар у билан бирга яна бошқа бир меросхўр бўлса, ҳолат бекор бўлмайди ва меросхўр ўз насибасини ўзгаришсиз олади. Агар меросхўрнинг ҳақини бекор қиладиган кимса бўлса, биринчи меросхўрга ҳеч нарса берилмайди. Агар иккинчи меросхўр мерос миқдорини ўзгартирадиган кимса бўлса, биринчи меросхўрга мероснинг энг оз миқдори берилади.

Гумон билан туғилган бола фақат она томонидан деб қаралади, она эса бошқа оналар кабидир. У *асаба* бўлмайди. Чўкиб ўлганлар, куйиб ўлганлар ва вайронгарчилик сабабли ўлганлар орасида мерос олиш бўлмайди ва улар биргаликда ўлганлар ҳисобланади.

Хунасалар қайси жинсга ҳукм қилинган бўлсалар, ўша жиҳатидан мерос оладилар. Агар ҳар иккиси биргаликда бўлса, Абу Ҳанифанинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, у икки жинсликдир. Абу Юсуф ва Муҳаммаднинг фи-

крига кўра эса, аксари эътиборга олинади. Агар баробар бўлса, уларнинг фикрича ҳам икки жинслидир. Икки жинсли хунаса икки насибанинг энг озини мерос олади. Кўпчилик саҳобаларнинг (розияллоҳу анҳум) фикрича, у қиз жинсининг насибасидир. Унинг учун икки ҳолатнинг энг ёмони бўлади, фақат агар яна бир эркак бўлса, бундай бўлмайди. Бу Абу Ҳанифанинг (раҳимаҳуллоҳ) айтгани. Шаъбий[559]нинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, унда икки ҳол – эркаклик ва аёллик ҳолати эътиборга олинади. Масалан, қачон бир кимса ўлиб, ундан ўғил ва хунаса бир бола қолган бўлса, Абу Ҳанифанинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрича, молнинг учдан иккиси ўғилга, учдан бири эса, хунасага тегади. Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) ва Муҳаммад (раҳимаҳуллоҳ) Шаъбийнинг (раҳимаҳуллоҳ) гапига қўшилмаганлар. Муҳаммад (раҳимаҳуллоҳ) хунасага ўн иккидан бешта улуш, аниқ ўғил учун эса етти улуш тегади, деган. Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) эса хунасага еттидан уч, аниқ ўғилга эса, тўрттаси тегади, деган. Тўғрисини Аллоҳ билгувчи! Уламоларнинг ҳар бирига мукофот ва савоб бўлсин.

Мероснинг Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) ва Муҳаммад (раҳимаҳуллоҳ) белгилаган энг оз миқдорини билиш йўли. Бунинг учун Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) белгилаган учни Муҳаммад белгилаган нарсанинг махражи бўлмиш ўн иккига кўпайтирилади. Муҳаммад (раҳимаҳуллоҳ) белгилаган бешни Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) белгилаган нарсанинг махражи бўлмиш еттига кўпайтирилади. Натижада аввалгиси ўттиз олти, иккинчиси ўттиз беш бўлади. Ўттиз олти уч марта ўн икки бўлиб, Муҳаммад (раҳимаҳуллоҳ) бу тақсимотда ҳар бир ўн иккидан бештани беради. Муҳаммад (раҳимаҳуллоҳ) берган нарсанинг ҳаммаси ўттиз олтитадан ўн бешта

[559] Омир ибн Шураҳил ибн Абд аш-Шаъбий (640-721) – тобеъинлардан бири. У таниқли қози бўлиб, ҳадис ривоятида ишончли бўлган.

бўлиб қолади. Ўттиз беш беш марта еттидир. Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) бу тақсимотда ҳар бир еттитадан учтани беради. Беш марта уч ўн бешдир. Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) берган нарса ўттиз бештадан ўн бешта бўлса, Муҳаммад (раҳимаҳуллоҳ) эса, уни ўттиз олтидан берган. Ўттиз бештадан берилган ўн беш, ўттиз олтитадан берилган ўн бешдан кўпроқдир. Уламолар ўз китобларида шуни ҳужжат қилиб келтирганлар. Бу белгилаш ва тақсимотнинг бир туридир.

Энг тўғри ва яхшиси Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) белгилаган нарсанинг махражи бўлмиш еттини Муҳаммад (раҳимаҳуллоҳ) белгилаган нарсанинг махражи бўлмиш ўн иккига кўпайтириш дейишимиздир. Зеро, ушбу кўпайтиришдан ҳосил бўладиган умумий сон саксон тўрт бўлиб, мерос бўлиш мана шу маблағдан амалга оширилади. Бундай кўпайтириш услубини меросни бошқа бировга ўтказиш мавзусининг улушни насибадорларга тақсимлаш қисмида зикр қилганмиз. Назарда тутганимиз қуйидагича: учни оласиз, уни еттига кўпайтирганингиз ўн икки сонига кўпайтирасиз. Уч карра ўн икки ўттиз олти бўлиб, бу ўша Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) берган саксон тўртнинг таркибида бўлган ўттиз олтидир. Энди бешни юқорида ўн иккига кўпайтирганинг еттига кўпайтир. Натижада ўттиз беш келиб чиқади. Бу эса, саксон тўртнинг таркибида бўлган Муҳаммаднинг (раҳимаҳуллоҳ) берган миқдоридир. Демак, Абу Юсуфнинг (раҳимаҳуллоҳ) белгилаган миқдори Муҳаммад (раҳимаҳуллоҳ) белгилаган миқдордан ошиб кетади.

Шу тариқа, менга Аллоҳ субҳонаҳунинг осон қилиши ва енгиллатиши сабабли, айрим фикрларим равшанлашди. У ҳар бир қийинчиликни осон қилувчи Зотдир. У нақадар яхши соҳиб ва ёрдамчидир! Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва йўл унинг ҳузуригадир!

КЎРСАТКИЧЛАР

Исмлар кўрсаткичи

Абдуллоҳ ибн Масъуд – 146
Абдулмалик ибн Абдулваҳҳоб ал-Маккий – 14
Абдулмуҳсин ибн Муҳаммад ал-Қайсарий – 16
Абдулқодир ибн Абу-л-Вафо – 23
Абу-л-Аббос ибн Сурайж – 12
Абу Бакр Айюб ибн Абу Тамима Сижистоний – 12
Абу Бакр ас-Сиддиқ – 113, 120
Абу Довуд – 10
Абу Жаъфар ат-Таҳовий – 13
Абу Исом Нуриддин Муслиҳиддин ал-Бухорий – 21
Абу Хорижа Зайд ибн Собит ибн аз-Заҳҳок ал-Ансорий – 11
Абу-л-Фадл Абдулазиз Али ал-Ашнаҳий – 12
Абу Ҳанифа – 12, 16, 112, 113, 128, 129, 131, 136, 140, 141, 142, 144, 145, 147,148,149
Абу-л-Ҳасан ал-Кархий – 13
Абу-л-Ҳасан Али ибн ал-Хизр ибн ал-Ҳасан ал-Қураший ад-Димашқий ал-Усмоний – 24
Абдурраҳмон ибн Абу Лайло – 12
Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Иброҳим ар-Розий – 14
Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али ал-Бағдодий ал-Ҳанафий – 17
Абу Ёқуб Юсуф ибн Ҳайдар ал-Фароизий – 15
Абурражо Мухтор ибн Маҳмуд ал-Хоразмий ал-Ғазминий аз-Зоҳидий – 15
Абу Савр – 12
Абу Тоҳир ад-Даббос – 12
Абу Тоҳир Сирожиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуррашид ас-Сижовандий – 13
Абу Хозим Абдулҳамид ибн Абдулазиз – 12
Абу Юсуф – 112, 113, 114, 128, 129, 130, 131, 132, 135, 136, 137, 138, 140, 142, 144, 145, 147, 148, 149, 150

Аз-Заҳабий – 15
Акмалуддин Муҳаммад ал-Бобуртий ал-Ҳанафий – 13
Ал-Авзоъий – 120
Али (Али ибн Абу Толиб) – 125
Ал-Каробисий – 12
Ан-Нахаъий – 147
Ар-Рабиъ – 12
Ал-Ҳасан ибн Зиёд – 147
Атоулло ибн Мавлоно Мушри ал-Ғазнавий – 31
Аҳмад ибн Яҳё ибн Муҳаммад ибн Саъдуддин ат-Тафтазоний – 14
Аҳмад ибн Усмон ибн Иброҳим ибн Мустафо ал-Мординий – 16
Аҳмад ибн Мустафо Тошкўпризода – 17
Аш-Шофиъий – 12, 112, 114, 120, 125, 140
Ашур Муҳаммад Саҳҳоф – 28
Бурҳонуддин ал-Марғиноний – 3, 4, 5, 6, 8, 9, 22, 23, 24, 32, 35, 36, 104
Зайнуддин Абдулжаббор ибн Аҳмад ал-Мозандароний – 13
Заҳируддин Аҳмад ибн Исмоил ат-Темуртоший – 15
Ибн ар-Рабва – Носируддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ал-Қўнавий ад-Димашқий – 14
Ибн ан-Нақиб – 17
Ибн ат-Туркмоний – 16
Ибн Шубрума – 12
Имодуддин ал-Марғиноний – 22
Исмоил ибн Халил ал-Ҳанафий – 16
Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Лорандий – 16
Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғарибий – 28
Молик – 114, 120, 125
Мубашшир ибн Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад ар-Розий – 12
Мулло Саййид Муҳаммад Ҳалим Саҳҳоф – 31
Муҳаммад – 112, 114, 129, 130, 131, 132, 136, 137, 140, 142, 144, 148, 149, 150
Муҳаммад Айюб Ҳомидов – 19
Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абу-л-Изз ал-Мординий – 17
Муҳаммад Боқий ибн Султон ал-Бухорий – 29

Муҳаммад Боқир Мир Абдуллоҳ ал-Яманий – 30
Муҳаммад Зариф Саҳҳоф – 30
Муҳаммад ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Ҳиравий – 29
Муҳаммад Шафиъ ибн Мулло Назар Муҳаммад – 29
Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий – 21
Муҳиддин Муҳаммад ибн Пир Али ал-Биргивий (ал-Биргили) ал-Боликасрий – 17
Саййид Муҳаммад ибн Амир Муҳаммад ал-Қабулий ал-Ғиждувоний – 29
Саййид Шариф Журжоний – 14
Саъдуддин ат-Тафтазоний – 14
Саъд ибн Абу Рабиъа – 10
Термизий – 10
Усмон ибн Аффон – 23
"Фахри Хуросон" Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беҳиштий ал-Исфароиний – 14
Фахруддин Абу Толиб Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад ал-Ҳамадоний – 16
Халиф Абу-л-Фатҳ – 31
Халил ибн Аҳмад ибн ал-Ҳалабий – 17
Ҳасан ибн Муҳаммад ас-Сағоний – 15
Хизр ибн Муҳаммад ал-Амосий – 14
Хожа Порсо ибн Маҳмуд ал-Бухорий – 31
Ҳисомуддин Ҳусайн ибн Али ас-Сиғноқий – 16
Ҳофиз ал-Убаҳий – 29
Шамсиддин Маҳмуд ибн Абу Бакр ал-Каллобозий ал-Бухорий – 15
Шайх Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Али ибн ал-Ажъад ас-Сақалий – 12
Шайх Дўст Муҳаммад Турсун – 18
Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф – 19
Шаъбий – 149
Юнус ар-Рашидий – 14
Юсуф ибн Абдуллоҳ ал-Қуртубий ал-Моликий – 12
Қобулий ибн Ёдгор Муҳаммад ал-Муфтий ал-Карминий – 32
Қабиса ибн Зуайб – 115

Жой номлари кўрсаткичи

Адирна – 17
Бадр – 10
Бирги – 17
Бухоро – 28
Ирландия – 9, 27
Истанбул – 14, 17
Калькутта – 13, 14
Канипур – 14
Карх – 13
Кўфа – 13
Макка – 21
Миср – 13
Мосул – 14
Самарқанд – 28, 29, 30, 31, 32
Саудия Арабистони – 21
Сурия – 16
Уҳуд – 10
Хоразм – 15
Қозон – 14
Қоҳира – 17
ЎзР ФА ШИ – 14, 15, 27
Ўрта Осиё – 29
Чағониён – 15
Ҳиндистон – 15, 31
Ғазмин – 15
Честербити – 9, 27
Шом – 13

Асарлар номлари кўрсаткичи

"Ал-Вафийёт" – 24
"Ал-Жавоҳир ал-Музиъа фи Табақот ал-Ҳанафийя" – 23
"Ал-Жомеъ ас-Сағир" – 15, 16
"Ал-Мавоҳиб ал-Маккийя" – 14

"Ал-Мажмуъ ал-Усмоний" – 5, 7, 8, 9, 22, 23, 25, 27, 28, 32, 33, 35, 36, 39, 104, 106
"Ал-Мақосид ас-Санийя" – 14
"Ал-Мужтабо" – 15
"Ат-Тажнис фил ҳисоб" – 13
"Ал-Фароиз ал-Ашнаҳийя" – 12
"Ал-Фароиз ал-Жаъдийя" – 12
"Ал-Фароиз ас-Сирожийя" – 13, 14, 16
"Ал-Фароиз ат-Темуртошийя" – 15
"Ал-Фатово" – 15
"Ал-Фусул ал-Имодийя" – 22, 28
"Ал-Хулоса фи ал-Фароиз" – 13
"Ал-Ҳидоя" – 3, 4, 16, 22
"Ал-Ҳовий" – 15
"Ат-Тазкира би-Усул ал-Ҳисоб ва ал-Фароиз" – 24
"Воқеъот ал-Муфтийн" – 30
"Жавоҳир ал-Аҳком" – 30
"Зиё ас-Сирож" – 14
"Илм ал-Ҳисоб" – 24
"Иршод" – 16
"Иршод ар-Рожий" – 14
"Иршод ар-рожий ли-маърифат ал-Фароиз ас-Сирожийя" – 16
"Исломда мерос рисоласи" – 21
"Кашф аз-зунун" – 17
"Китоб ал-Ансоб" – 15
"Китоб ан-нурий фи мухтасар ал-Қудурий" – 14
"Китоб ат-Таровеҳ" – 15
"Китоб фи ал-Фароиз" – 12
"Китоб фи ал-Фароиз", – 14
"Мустасфо" – 30
"Фароиз Айюб ал-Басрий" – 12
"Фароиз ва васиятлар" – 19
"Фароиз Аби Наср" – 17
"Фароиз Аби ар-Рашид" – 12
"Фароиз Ибн Абд ал-Барр" – 12

"Фароиз Ибн ат-Туркмоний" – 16
"Фароиз фанидан маърузалар матни" – 19
"Фатовои Оламгирийя" – 30
"Фатовои Қозихон" – 30
"Шарҳ Фароиз ас-Сирожийя" – 14
"Шарҳ ал-Жомеъ ас-Сағир" – 15
"Қунят ал-муня" – 15
"Ҳадис ва ҳаёт" – 19
"Хизонат ал-Муфтийн" – 30

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

Манбалар

1. Абдулқодир ибн Абу-л-Вафо. “Жавоҳир ал-музиа фи табақот ал-ҳанафийя”. – Байрут: Дорул кутубил илмийя, 2005.

2. Абдулҳай ал-Лакнавий. “Ат-Таълиқот ас-сания”. – Қозон. 1902.

3. Абдулҳай ал-Лакнавий. “Ал-Фавоид ал-баҳийя фи тарожим ал-ҳанафийя”. – Қозон, 1902. – Б. 103.

4. Абдулҳай ал-Лакнавий. “Тараб ал-амосил би-тарожим ал-Афозил” // Мажмуатур расоил ас-ситт. 6-китоб. – Лакнав: (йили кўрсатилмаган). – Б. 176-308.

5. Абдулҳай ал-Лакнавий. “Умдат ар-риоя фи ҳалли шарҳ ал-Виқоя” (Муқаддима). – Ҳиндистон: Юсуфий, 1327. – Б. 4-47.

6. Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ад-Доримий ас-Самарқандий. “Сунан ад-Доримий”. 1-жилд. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1408. – Б. 84.

7. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ориф. “Муаллафот фуқаҳои киром ва усулийийин”. – Ўринбург: Дин ва маишат матбааси, 1914. – 24 б.

8. Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Бухорий. “Саҳиҳ ал-Бухорий”. Истанбул. “Дарул фикр”. 1981

9. Абу Ҳафс Умар ан-Насафий. “Тилбат ат-талаба фил истилоҳот ал-фиқҳия”. – Байрут: Дорун нафоис, 1999. – 438 б.

10. “Ал-фусул ал-Имодийя”. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди қўлёзмаси, № 3166. – В. 8б.

11. Аҳмад ал-Байҳақий. “Ас-Сунан ал-кубро” // ал-Мактаба аш-Шомила. Ал-исдор ас-салис. CD-Диск, 2006.

12. Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насоий. “Ас-Сунан ал-кубро” // ал-Мактаба аш-Шомила. Ал-исдор ас-салис. CD-Диск, 2006.

13. Бурҳонуддин ал-Марғиноний. “Ал-Ҳидая фи шарҳи бидаят ал-мубтади”. Байрут. 1990.

14. Бурҳонуддин ал-Марғиноний. “Ал-Ҳидоя”. I-жилд / Таржимонлар Салоҳиддин Муҳиддин ва бошқалар. – Т.: Адолат, 2001. – 848 б.

15. Валийуддин Муҳаммад ат-Табризий. "Мишкот ал-масобих". 1-жилд. – Қозон, 1898.

16. Ибн Ҳажар Асқалоний. "Ад-Дурар ал-комина". I-жилд. – Байрут: Дорул жийл. 1993.

17. Ибн Камол Пошшо. "Рисолаи табақот ал-мужтаҳидин". – ЎзР ФА ШИ-1, № 11229/I. – В. 1[а-б].

18. Ибн Можа. "Сунан Ибн Можа" // Мавсуъатул ҳадисиш шариф ал-кутуб ас-ситта. – Риёз: Дорус салом, 2000. – Б. 2640.

19. Исмоил Пошшо ал-Бағдодий. "Ҳадийят ал-орифин". Истанбул: Миллий матбаа. 1951. – Б. 702.

20. Маҳмуд Афанди ал-Ҳамзовий. "Мисбоҳ ад-дироя фи истилоҳ ал-Ҳидоя". – Дамашқ: Маориф,

21. Муҳаммад Али ат-Таҳонавий. "Кашшоф истилоҳот ал-фунун вал улум" / Таҳқиқ: Али Даҳруж. II жузъ. – Лубнон-Байрут: Мактабат Лубнон ноширун, 1996. – 1052+2132 б.

22. Муҳаммад Анвар ал-Бадахшоний. "Тавзиҳ ал-Фароиз ас-Сирожийя". Карачи. 1993

23. Хайриддин аз-Зириклий. "Ал-Аълом". IV-жуз. – Байрут: Дорул илм лил малайин. 2002. – Б. 284.

24. "Хидая". Комментарии мусульманского права. – Т.: Узбекистан, 1994. – 479 с.

25. Ҳожи Халифа. "Кашф аз-зунун". II-жуз. – Истанбул: Мориф матбааси, 1941. – Б. 1245.

26. Қуръони карим. Мадина., Саудия Арабистони. (Нашр йили кўрсатилмаган)

27. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири (қайта ишланган 3-нашри) / Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур; таҳрир ҳайъати: У.Алимов, Р.Обидов, Н.Иброҳимов ва бошқ.; масъул муҳаррир: М.Аҳмаджонов. – Т.: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 624 б.

Адабиётлар

28. Абдуллаев И. "Бурҳонуддин Марғиноний" // Наманган ҳақиқати.-2000. 3 май.

29. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. "Марғиноний ва унинг издошлари". Т., 2000.

30. Бегматова З. "Ислом ҳуқуқида мерос" // Тошкент Ислом универститети илмий-таҳлилий ахбороти. – № 1. – Тошкент, 2003. – Б. 51-55.

31. Бегматова Б. "Ислом ҳуқуқида меросхўрлар ва уларнинг мерос олиш тартиби масаласи" // Диншунослик фанларининг долзарб муаммолари. Тўплам I. – Т.: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 119-122.

32. Бурҳониддин ал-Марғиноний. "Ҳидоя". Биринчи жилд / Масъул муҳаррирлар А.Х. Саидов, М. Нуриддинов. Т.: Адолат. 2000.-848 б

33. Баранов Х.К. "Арабско-русский словарь". М. "Русский язык".1984.

34. Большаков О.Г. "История халифата". Том. I. М. 2002. – С.122.

35. Жўзжоний Ш.А. "Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари". – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – 256 б.

36. Жўзжоний Ш.А. Бурҳониддин Марғиноний: "ал-Ҳидоя" // Жамият ва бошқарув. – № 1. – Тошкент, 1998. – Б. 72-76.

37. Зиёдов Ш., Қориев О., Бекмирзаев И. "Мовароуннаҳр ислом илмлари ривожида ҳанафий таълимоти". – Т.: Fan va texnologiya, 2012. – 232 б.

38. Исҳоқов С. "Бурҳонуддин Марғиноний ва фиқҳ илми". –Т.: Адолат. 2000.-136 б

39. Каттаев К. "Имом ал-Марғиноний ва Имом Али Сўғдий". – Самарқанд: "СамДУ" нашриёти, 2007. – 92 б.

40. Лихачев Д.С. "Текстология". М.-Л., Изд-во АН СССР. 1962,

41. Маҳмуд Ҳасаний. "Ал-Марғинонийнинг "Ҳидоя" асари ва унга ёзилган шарҳлар". Т.: Мерос. 2000.-45 б

42. "Маънавият юлдузлари". (Марказий осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) / Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М.М.Хайруллаев. – Т.: Абдулла Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 2001. – 408 б.

43. Муминов А. "Мовароуннаҳр уламолари: Ҳанафийлар" // Шарқшунослик (ЎзР ФА ШИ). – 1999. – № 9. – Б. 40-44.

44. Мўминов А. “Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби” // Шарқшунослик, № 3. – Т.: Фан, 1992. – Б. 52-57.

45. Муниров Қ. “Бурҳониддин Марғиноний ва унинг “ал-Ҳидоя” асарининг қўлёзма нусхалари” // Шарқшунослик. ЎзР ФА ШИ. – № 10. – Тошкент, 2000. – Б. 62-65.

46. Нўъмонов К., Қўлдашев З., Ғофуров А. “Фароизус Сирожийя”. Тошкент. 2010. 142 бет.

47. Раҳимжонов Д. “Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя” асарида ҳадисларнинг қўлланиши” // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – № 3-4. – Тошкент, 2000. – Б. 177-180.

48. Раҳматуллоҳ қори Обидов. “Қуръон, тафсир ва муфассирлар”. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. – 220 б.

49. Саидов А.Х., “Бурҳонуддин ал-Марғиноний. “Ҳидоя” – муҳим ҳуқуқий ёдгорлик” // Ўзбекистон овози. 1994.-3 май

50. Саидов А.Х., Нуритдинов М. “Фиқҳ илмининг сардори” // Ишонч. 2000. – 9 сентабр.

51. Саидов А. “Ал-Марғинонийнинг жаҳон ҳуқуқий маданиятига қўшган ҳиссаси” // Ҳидоят. – № 11-12. – Тошкент, 2000. – Б. 4.

52. Саидов А.Х. “Бурҳонуддин Марғиноний буюк ҳуқуқшунос (шариат ва ўзбек миллий маънавий-ҳуқуқий мероси тарихидан лавҳалар)”. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ, 1997. – 177 б.

53. Қориев О.А. “Ислом ҳуқуқшунослиги ва Бурҳон уд-Дин ал-Марғиноний”. “Ҳаёт ва қонун” журнали. 1994. №3. –Б. 54;

54. Қориев О.А. “Ал-Марғиноний машҳур фиқҳшунос”. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2000. –Б.25

55. Қориев О.А. “Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳонуддин ал-Марғиноний”. Тошкент. “Фан”, 2009.

56. Қориев О.А. “Бурҳонуддин ал-Марғиноний – ҳуқуқшунос”. “Шарқшунослик” тўплами. Т., 1993й. №4.

57. Қориев О. “Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг “ал-Мажмуъ ал-Усмоний” асари ҳақида” // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – № 3. – Тошкент, 2012. – Б. 199-201.

58. Ahmet Özel. “Hanefi fikih alimleri”. – Ankara: Turkiye diyanet vakfi yayinlari, 2006. – 273 s.

59. Hayriddin Karaman. “Baslangictan Zamanimiza Kadar Islam

Hukuk tarihi”. – İstanbul, 2004. – 383 s.

60. Joseph Schacht. “An introduction to Islamic law”. – Oxford University Press, 1982. – 304 p.

61. Carranza Eliana. “Islamic Inheritance Law”. Washington, The world Bank USA, 2012. 212pp.,

62. Kavakcı Y.Z. “XI ve XII Asırlarda Karahanlılar Devrinde Ma Vara’ al-Nahr İslâm Hukûkçuları”. – Ankara: Sevinç Matbaası, 1976. – XXIV+322 s.

63. Lucy Carroll. “The hanafi Law of Intestate Succession: A Simplified Approach”. Modern Asian Studies, Vol. 17, #4. (1983), pp.629-670.,

64. Mohammad Fadel. “Two Women, One Man: Knowledge, Power, Inheritance, Gender in Medieval Sunni Legal Thought”. International Journal of Middle East Studies, Vol. 29, #2. (May, 1997), pp. 185-204.,

65. Brinkley Messick. “Textual Properties and Inheritance: Writing and Wealth in Shari’a Case”. Anthropological Quarterly, Vol. 68, # 3, (Jul., 1995), pp.157-170.;

O‘Connor, John J.; Robertson, Edmund F., “Abu’l Hasan ibn Ali al Qalasadi”, *MacTutor History of Mathematics archive*, University of St Andrews, http://www-history.mcs.st-andrews.ac.uk/Biographies/Al-Qalasadi.html. ; Livio, Mario (2003).

“Mīrāth”. *Encyclopaedia of Islam*7 (2nd ed.). Brill Academic Publishers. pp. 106 – 113. ISBN 90-04-09419-9.; Gandz, Solomon (1938).

“The Algebra of Inheritance: A Rehabilitation of Al-Khuwarizmi”. *Osiris* (University of Chicago Press) 5: 319 – 91. doi:10.1086/368492.

66. Wael B.Hallaq. “The Formation of Islamic Law”. Vol. 26. Lawerence I.Conrad. – London, 1995. – 417 p.

67. Шайх Дўст Муҳаммад Турсун. “Мерос рисоласи”. Тошкент: Адолат нашриёти. 2004. 19 бет.

68. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Ҳадис ва ҳаёт. -Фароиз ва васиятлар”. 12–жуз. Тошкент: “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2008.

69. Ҳомидов М. “Фароиз фанидан маърузалар матни (мерос илми)”. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. – 84 б.

МУНДАРИЖА

"Ал-Мажмуъ ал-Усмоний" асарининг илмий–танқидий матни ҳақида 7

"Ал-Мажмуъ ал-Усмоний" асарининг қиёсий-танқидий матнини тайёрлашда фойдаланилган қўлёзма нусхаларининг тавсифи 27

Матн танқиди 33

"Ал-Мажмуъ ал-Усмоний" асарининг қиёсий-танқидий матнини тайёрлашда қўлланилган тамойиллар. 36

"Ал-Мажмуъ ал-Усмоний" асарининг илмий-танқидий матни..... 39

"Ал-мажмуъ ал-Усмоний" асарининг қўлёзма матни.................... 79

"Ал-Мажмуъ ал-Усмоний" асарининг таржимаси 99

Усмоний тўплам....................103

Бир қориндан туғилган қариндошлар ҳақидаги фасл 125

Биринчи тоифа ҳақидаги фасл....................126

Иккинчи тоифа ҳақидаги фасл....................130

Учинчи тоифа ҳақидаги фасл 131

Туртинчи тоифа ҳақидаги фасл 134

Бешинчи тоифа ҳақидаги фасл 136

Китобнинг қўшимчалари ҳақидаги фасл 136

Кўрсаткичлар....................148

Исмлар кўрсаткичи....................148

Жой номлари кўрсаткичи....................151

Асарлар номлари кўрсаткичи 151

Фойдаланилган манба ва адабиётлар 154

Диний-илмий нашр

Китоб Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳомийлигида чоп этилди

Бурҳонуддин ал-Марғиноний

АЛ-МАЖМУЪ АЛ-УСМОНИЙ

(Усмоний тўплам)

Муҳаррир Муҳаммад Сиддиқ МУКАРРАМ

Бадиий муҳаррирлар Баҳром ИКРОМОВ,
Элнур НИЁЗ ўғли

Саҳифаловчи Толибжон ҚОДИРОВ

Мусаҳҳиҳа Муҳтарама УЛУҒОВА

Нашриёт лицензия рақами: AI 146. 2009.14.08.

Босмахонага 2014 йил 19 майда берилди. Босишга 2014 йил 20 майда рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60 х 84 $^{1}/_{16}$.
Ҳарф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т.: 4,75. Шартли б. т.: 10,25. Адади: 500 нусха.
_____ -сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

"Movarounnahr" нашриётида тайёрланди.
Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар
Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.
Электрон почта: *m-nashr@yandex.ru.*
Тел: *(8-371) 227-34-30*

"MUNIS-DIZAYN GROUP" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри Иброҳим Мўминов кўчаси, 13-уй.